

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”
“Иқтисодиёт” кафедраси мудири
дотс. А. И.Рахматуллаев
“ ” 2013 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Иқтисодиёт” факультети декани
и.ф.д. А.Ф.Хуррамов
“ ” 2013 йил

“Мамлакатни ривожлантиришда аграр соҳанинг ўрни”
(Қашқадарё вилояти мисолида) мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт” таълим
йўналиши битирувчиси IV курс И-42
гурӯҳ талабаси _____
Худойназарова Зулфия Комиловна

ИЛМИЙ РАҲБАР:
Иқтисодиёт кафедраси катта ўқит.,
и.ф.н. _____ З.С.Шохўжаева

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди
сонли баённома “ ” 2013 йил

ҚАРШИ – 2013 йил

МУНДАРИЖА

| | |
|---|--|
| Кириш..... | |
| I-БОБ. Бозор иқтисодиёти шароитида аграр муносабатларнинг назарий асослари..... | |
| 1.1. Аграр муносабатларнинг моҳияти, мазмуни..... | |
| 1.2. Аграр муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари..... | |
| II-Боб. Вилоятнинг аграр соҳасидаги муаммолар ва эришилган натижаларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили..... | |
| 2.1. Қишлоқ хўжалигига мулкчилик муносабатлари соҳасидаги муаммолар..... | |
| 2.2. Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни ва ҳозирги ҳолати..... | |
| 2.3. Қишлоқ хўжалигига етиширилаётган маҳсулотларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили..... | |
| III-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида аграр соҳани ривожлантиришда ислоҳотларнинг устувор йўналишлари..... | |
| 3.1. Ерга мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар..... | |
| 3.2. Қишлоқ хўжалигига тадбиркорликни ривожлантиришда ислоҳотларнинг устувор йўналишлари..... | |
| Хулоса ва тақлифлар..... | |
| Фойдаланган адабиётлар руйхати..... | |

Кириш

Мавзунинг долзарбилиги. Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикамиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига нисбатан 24,0 кг мева, 24,0 кг узум, 138,6 кг сабзавот, 15,1 кг картошка ва 39,0 кг полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2012 йилга келиб аҳоли жон бошига 60,1 кг мева (250,4 фоиз), 35,1 кг узум (146,2 фоиз), 225 кг сабзавот (162,3 фоиз), 60,5 кг картошка (400,6 фоиз) ва 42,0 кг полиз маҳсулотлари (107,6 фоиз) етиштирилди.

Мамлакат Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “2012-йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз дехқонлари мўл ҳосил етиштириши – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Бўларнинг барчаси, авваламбор, дехқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ютуқлар барча ресурс ва имкониятларимизни тўла сафарбар эта олганимизнинг натижасидир”¹.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатларни, жумладан аграр ислоҳатларни амалга ошириш масаласи кўплаболимлар томонидан ўрганилган бўлиб, лекин аграр соҳани ривожлантиришда ерга мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг устувор йуналишлари масаласи етарли даражада ўрганилмаганлиги мавзунинг долзарб эканлигини тавсифлайди.

¹ Каримов А.И. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ

БМИнинг мақсад ва вазифалари

Ушбу битириув малакавий ишининг асосий мақсади аграр соҳани ривожлантиришда ерга мулкчилик муносабатларни чуқурлаштириш ва ҳаётга жорий қилишга қаратилган илмий, методик ва ташқиلىй чораларни ишлаб чиқишидан иборатdir.

Шу мақсадга мувофик ушбу ишда қуйидаги асосий вазифалар қўйилди:

- мамлакат иқтисодиётдаги аграр ислоҳатларнинг мазмуни ва аҳамиятини илмий назарий таҳлил қилиш;
- бозор муносабатлари шароитida ерга мулкчилик муносабатларининг амалга оширилишини ўрганиш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида Қашқадарё вилоятида ерга мулкчилик муносабатларини таҳлил қилиш;
- мамлакатни модернизациялаш шароитida аграр муносабатларини такомиллштириш йулларини кўрсатиш.

БМИ объекти ва предмети.

Битириув малакавий ишининг обьекти Қашқадарё вилоятининг аграр саҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар жараёни ҳисобланади.

БМИнинг предмети бўлиб вилоятда ерга мулкчилик муносабатлари соҳасидаги ислоҳатларни амалга оширишдаги муаммолар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳатларнинг иқтисодий ва хуқуқий асослари ҳисобланади.

БМИнинг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.

Ушбу битириув малакавий ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- вилоятнинг аграр соҳасини ривожлантиришда ерга мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва мазмунининг иқтисодчи олимлар фикрларидан фойдаланиб янада чуқурроқ ёритиш;
- вилоят қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали бу соҳада мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- мамлакатни модернизация қилиш шароитida аграр соҳани ривожлантириш йуллари янада аниқроқ кўрсатиб берилиши.

БМИнинг назарий ва амалий аҳамияти

БМИнинг назарий ва амалий шундан иборатки, унда билдирилган илмий-назарий фикрлар ва чиқарилган асосий хulosалар ўрганилган муаммонинг назариясини ва ерга мулкчилик муносабатларини амалга оширишга қаратилган дастурларини кўллаш амалиётини маълум даражада бойитади.

БМИ таркиби ва тузилиши.

Битириув малакавий иш кириш, учта боб, олтига параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

1-БОБ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АГРАР МУНОСАБАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Аграр муносабатларнинг моҳияти, мазмуни

Республикада амалга оширилаётган туб бозор ислоҳатларимизнинг бутун дастури энг муҳим вазифаларни изчиллик билан ҳал этишга асосланган.

Бозор асосларини вужудга келтириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазифаси бўлиб, улар мулкчилик муносабатларини узгаририш, бозор тузилмаларини шакллантириш, молия ва банк тизимини қайта ташқил этиш, барча даражадаги бошқарувнинг мутлако янги тизимини барпо этиш каби энг муҳим жиҳатларни уз ичига олади.

Иқтисодий ислоҳатларнинг бутун занжирида аграр соҳадаги узгаришларга ғоят катта аҳамият берилмокда. Бу эса аҳолининг аксарияти қишлоқда яшashi, иқтисодиётнинг аграр-саноат тарзида эканлиги ҳамда хаётий муҳим муаммоларни ҳал қилишда қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни билан боғлиқ. Ҳозир иқтисодиётнинг Айни аграр соҳаси катта имкониятларга эга. Бу имкониятлардан фойдаланиб, аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан тамиллашни яхшилабгина колмай, Республика қишлоқ аҳолисининг турмушини фаровон қилиш ҳам мумкин.

Қишлоқ -миллий даромаднинг жуда муҳим манбаи, валюта асосан қишлоқ хўжалиги ҳисобига олинади. Лекин энг муҳими-қишлоқ иқтисодиётда ва ижтимои турмушда, бинобарин сиёsatда ҳам шундай бир бўғинки, шу бўғин оркали бутун Республика фарованлик ва тўкин-сочинликка эришади. Дехқон бадавлат бўлса, бутун республика бадавлат бўлади. Ҳозир биз ҳаммамиз қишлоқ ҳисобидан яшаётганимизни тан олишимиз керак.

Ерни ўзлаштириш деганда, шу ерни бошқа шахслардан бегоналаштириш, яъни бошқа шахсларнинг шу ерга нисбатан пировард ёки тўла ҳуқуқини бекор қилиш тушунилади.

Ерга эгалик қилиш-бу тўлиқ бўлмаган, қисман ўзлаштиришдир. Мулкдор, яъни ер эгаси муддатлилик, қайтариш, тўловлилиkn назарда тутувчи ижарага бериш, кредит бериш каби ҳаракатларни амалга ошириб, мулкчилик муносабатларга киришади.

Ердан фойдаланиш-ернинг ишлатилиш мақсадидан келиб чиқиб, ундан амалда фойдаланиш:

Ерни тасарруф этиши-бу ерни ишлатиш бўйича ер эгаси ёхуд бошқа шахс томонидан қарорлар қабул қилиниши демакдир.

Ерга мулкчилик муносабатлари билан уйғунлашадиган яъни шундай муносабатлар борки, бўлар жумласига аграр муносабатлар, ер муносабатлари ижара муносабатлари каби ўзаро боғлиқ ва бир - бирини тўлдирувчи муносабатлари киради.

Аграр муносабатлар қишлоқ хўжалигига ер эгалари ва фойдаланувчилар ўртасида ерни вақтинча фойдаланишга бериш ёки олиш ҳамда бунинг учун маълум тўлов олиш ёки бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлардир. Бу ерда ердан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш масалалари яққол кўзга ташланади.

Ер муносабатлари ўз-ўзидан унга бўлган мулкчиликни ифода этади.

Ижара муносабатлари маълум мулк тўрини, масалан, уй-жойни, машинани, ишлаб чиқариш воситасини ва шунга ўхшашларни ижарага беришни англатиш билан бирга ерни маълум муддатга фойдаланишга беришни ҳам ўз ичига олади. Шу жиҳатдан бундай муносабатларни ерга мулкчилик муносабатларининг акс эттиради. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкини ерга мулкчилик муносабатлари ва мулкчилик муносабатларини боғловчи марказий бўғин ҳисобланади.

Ерга мулкчилик ҳам иқтисодий ҳам хуқукий категория бўлиб ернинг иқтисодий ресурс, ишлаб чиқариш омили, даромад манбаи сифатида қаралиши уни иқтисодий жиҳатдан ёритса, ерга бўлган мулкий хуқуқларнинг зарурлиги ва мавжудлиги ерга мулкчиликни хуқукий тушунча деб аташга асос бўлади.

Ерга мулкчилик муносабатлари бошқа ҳар қандай муносабатлар каби ўз обьектлари ва субъектларига эга. Шу ўринда обьектлар вазифаси ер ва унинг турларини бажаради. Жаҳон амалиётида ерлар маълум турларга ажратилади. Шу жумладан, Ўзбекистонда "Ер кодекси"га мувофиқ ернинг қуйидаги турлари мавжуд:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар:
- аҳоли пунктлари (шахарлар, пасёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) ерлари:
- саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқалар учун мўлжалланган ерлар:
- табиат муҳофазаси, соғломлаштириш: тарихий-маданий обидалар учун мўлжалланган ерлар:
- ўрмон фонди ерлари:
- сув фонди ерлари:
- заҳирадаги ерлар:

Ер фондининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ерлар ташқил этганлигидан ҳамда миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги муҳим роль ўйнашдан келиб чиқиб ер мулкчилиги уйида гап борганда аграр соҳада ишлатиладиган ерларни назарда тутамиз. Қишлоқ хўжалиги азалдан хукмрон тармоқ бўлиб келган. Ишлаб чиқаришнинг асосий моддий шароити эса ердан иборат бўлган. Бундай вазиятда етакчи роль ерга бўлган мулкчиликка тегишлидир. Шунинг учун ҳам мулкчиликнинг тарихий, дастлабки шаклининг пайдо бўлиши табиат томонидан яратилган шарт-шароитларга асосланган.

Бундай ҳолатда, алоҳида олинган инсон ердан фақат фойдаланиши мумкин эди, лекин унинг мулкдорига айлана олмасди.

Ернинг дастлабки субъекти жамоа (қабила) бўлиб, мулкчиликнинг тарихий биринчи шакли эса ерга умумий, жамоа мулкчилиги эди.

Ерга мулкчиликнинг дастлабки шакли ўз ичига бевосита маҳсулотга ва шу ерга ишлов берадиган меҳнат қуролига бўлган мулкчиликнинг қамраб олади.

Ернинг мулкчилик обьектига айланиши икки йўл билан амалга оширилган

1. ҳеч кимга танишли бўлмаган ерларни ўзлаштириш натижасида:

2. бошқа қабилаларнинг ерларини босиб олиш натижасида.

1. Осиё (шарқ) шакли. Бунда барча ерлар жамоалар ўртасида тақсимланган бўлиб, индивидлар ва уларнинг оиласлари ер участкаларидан шу ибтидоий жамоага тегишли шахс сифатида фойдаланганлар. Жамоалар, ўз навбатида тарқоқ давлатлар хукмронлиги остида бўлган ва ерга мустақил мулкдорлик қилаолмасди жамоа ердан олган маҳсулотнинг бир тўлов, солик сифатида давлатга берар эди.

2. Антик (миср-рим) шакли. Ернинг бир қисми жамоа (давлат) тасарруфидан бўлган жойда участкалар шаклидаги бошқа қисми эса алоҳида оиласлар томонидан ишлов берилиб, уларнинг хусусий мулки ҳисобланган.

3. Герман шакли. Бу шаклда ернинг жамоадан анча юқори даражада алоҳидалашуви кузатилади. Яйловларга, ўрмонларга бўлган умумий мулкчилик хусусий мулкчиликнинг шунчаки тўлдирувчиси сифатида қаралган.

Мулкчиликнинг антик ва герман шақиллари бир-бирига ўхшаш, уларнинг яқинлиги ерга хусусий мулкчиликнинг иккала ҳолда ҳам мулкдорнинг шахсий меҳнатига асосланганлигига кўринади.

Ишлаб чиқариш кучлариниг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида жамоалар тарқала бошлади, улардан хусусий мулқдорлар ажралиб чиқди. Айрибошлаш ривожланди, аҳолининг мулкий тенгсизлиги кучайди. Қуллар меҳнатини эксплуатация қилишга асосланган хусусий мулкчилик пайдо бўлди.

Мулкчиликнинг тарихий иккинчи шакли-бу мулкчиликнинг қулдорлик тизимида асосланган шаклидир. У ишлаб чиқариш воситалари сингари қулдорлар мулкининг обьекти ҳисобланиши қуллар меҳнатини ўзлаштиришни ифодалайди. Мулкчиликнинг ушбу шакли кенг тарқалмайқолган.

Ўрта асрлардан мулкчиликнинг учинчи шакли-ерга феодал мулкчилик вужудга келади. Унинг асосини эркин бўлмаган дехқонлар меҳнати эксплуатация қилиш ташқил этади. Қулдан фарқли равишда дехқон мулкчилик муносабатлари иштирокчиси ҳисобланади, чунки у кичик ер участкасига ва шу ерга ишлов берадиган ишлаб чиқариш воситаларига эга.

Феаодал жамияти шароитида мулкчиликнинг алоҳида шакли пайдо бўладики, у ишлаб чиқарувчини ерга бириқтириб қўйишни назарда тутмайди. Сотиш учун маҳсулот тайёрловчи шаҳар хунармандлари мулкчилиги вужудга келди. У дехқонларнинг майда хусусий мулкидан ҳамда феодаллар мулкидан тубдан фарқ қиласади. Хунармандлар бировга қарам эмасдилар, ишлаб чиқариш қоидаларининг ва маҳсулотларнинг алоҳида хусусий эгалари эди. Уларнинг маҳсулотига бўлган мулкчилиги ерга эгалик билан эмас, балки меҳнат қуролларига бўлган мулкчиликка асосланган.

Дастлабки капитал жамғарилиши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва товар ишлаб чиқарышнинг такомиллашуви натижасида мулкчиликнинг тўртинчи бозор иқтисодиёти шакли юзага келди. Узининг иқтисодий мазмунига кўра бу шакл аввлギлардан тубдан фарқ қиласади. У қуидагиларни кўзда тутади.

1. бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат шароитидан тўлиқ ажралишини;

2. нафақа феодали муносабатларни тугатиш, балки хунармандларнинг хусусий мулкини йўқотиш;

3. қишлоқ аҳолисини экспроприация қилиш.

Бўларнинг натижасида ерга ва ишлаб чиқариш воситаларига йирик хусусий мулкчилик яратилди.

Биз юқорида ерга мулкчилик муносабатларининг ривожланиши босқичларини, шаклларини кўриб чиқдик.

Ерга мулкчилик муносабатлари ўз субъектларига эга. Бўлар аввало но эгалари ердан фойдаланувчилар, шунингдек, ёлланма ишчилардан иборат.

Ерга нисбатан хусусий мулкчилик мавжуд бўлган мамлакатларда ер эгалари бўлиб фуқаролар ҳамда давлат чиқиши мумкин. Хусусий мулкчилик йўқ бўлган давлатларда эса (масалан, куба) ер эгаси-бу факат давлатdir. Ердан фойдаланувчилар эса фуқаролар, корхоналар, ташқилотлар, хуллас, барча жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасида ер умуммиллий бойлик ҳисобланиб, у самарали фойдаланишга ва давлат томонидан қўриқлашга қаратилган.

Ер доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун қуидаги субъектларга берилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, саноат, транспорти ва бошқа корхоналарга, муассасаларга ва ташқилотларга; мудофа эҳтиёжлари учун, диний ташқилотларга, қўшма корхоналарга, хорижий юридик шахсларга, халқаро бирлашмалар ва ташқилотларга.

Ҳозирги пайтда ерга мулкчилик муносабатларининг асосий субъектлари бу давлат ер эгаси сифатида ҳамда дехқон, фермер хўжаликлари ердан фойдаланувчиларнинг сифатида.

Деҳқон хўжалиги-бу оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асослашган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиш учун ижарага олган субъектдир. Фермер хўжалиги бир неча итъасисчилар томонидан ташқил этилган юридик шахс. У ерни узоқ муддатга ёки умрбод фойдаланиш учун ерни ижарага олади. Фермер хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш хукуқи мавжуд. Ширкат хўжалиги эса жамоа мулкига асосланган бўлиб, унда пайчилик тамойилида жамоа аъзолари меҳнат қиласидар.

Ер муносабатининг иқтисодий асосини ташқил қиласидан рентаси яъни ерга мулк сифатида эгалик қилганлиги учун ердан фойдаланувчи томонидан шу ер эгасига тўланадиган тарихий тараққиёт давомида уч босқични босиб ўтган; Ерга ишлов бериш рентасида ер эгаси ерни ижарага берганда, ижарага олувчи бир қисм ерни но эгаси учун ишлаб беради, бир қисмида ўзи учун ишлайди ва ўзи учун ишлаган майдонидан олинган ҳосилни ўз эҳтиёжига ишлатади. Деҳқон ўзи учун ажратилган ерда жон кўйдириб, ер эгасини майдонида эса шунчаки меҳнат қиласидан бунда нодан фойдаланиш самараси паст бўлади.

"Ер кодекси"да ер умумхалқ мулки ва уни давлат тасарруф этади, деб белгилаб қўйилган. Шунинг учун ердан фойдаланувчилар - фермер, ширкат хўжаликлари ерни давлатдан ижарага оладилар ва ижара ҳақини давлатга тўлайдилар.

Республикада амалга оширилаётган туб бозор ислоҳатларимизнинг бутун дастури энг муҳим вазифаларни изчиллик билан ҳал этишга асосланган.

Бозор асосларини вужудга келтириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазифаси бўлиб, улар мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, бозор тузилмаларини шакллантириш, молия ва банк тизимини қайта ташқил этиш, барча даражадаги бошқарувнинг мутлақо янги тизимини барпо этиш каби энг муҳим жиҳатларни уз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги-миллий даромаднинг жуда муҳим манбаи бўлиб, валюта тушумининг катта қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинади. Лекин энг муҳими-қишлоқ иқтисодиётда ва ижтимои турмушда, бинобарин сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, шу бўғин оркали бутун Республика фарованлик ва тукин-сочинликка эришади. Деҳқон бадавлат бўлса, бутун республика бадавлат бўлади. Ҳозир биз ҳаммамиз қишлоқ ҳисобидан яшаётганимизни тан олишимиз керак.

Сўнгги йилларда аграр соҳанинг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳисобга олиниб, унга эътибор кучайтирилмоқда. Қишлоқ хўжалик ходимларини моддий рагбатлантиришни яхшилаш, ерга мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини белгилашдаги номутаносибликни тугатиш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари барча турларининг харид нархлари мунтазам ошириб борилмоқда. Чунончи сунги уч йилда асосий маҳсулот-пахтанинг харид нархи кўп марта кўпайтирилди. Дон маҳсулотларининг нархи ҳам анча кутарилди. Кartoшка, мева, сабзавот, чорва моллари ва парранда, сут ва тухум, коракул тер ива жуннинг харид нархлари ҳам оширилди. Бугунги кунда пахта ва ғалладан бўлак қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эркин нархларда сотилмоқда.

Ерга мулкчилик масаласи деҳқончликка оид сиёсатдаги ҳал қилувчи масаладир. Бизда деҳқончилик азалдан суғориладиган минтақаларда мужассамлашган. Деҳқончилигимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, экин майдонларининг анча қисми, техникавий экинлар эқиладиган майдонларнинг эса ҳаммаси суғориладиган ерлардир. Ана шу ерлар уларга хизмат қиласидан курдатли ирригация тизими билан биргаликда ягона ер-сув мажмуини ташқил этади. Ундан ажратиб олиб, хусусий мулк қилиб бериш мумкин эмас.

Башарти, ер хусусий мулк қилиб бериладиган бўлса, сувни ҳам, бутун ирригация тармоқларини ҳам хусусий мулк қилиб беришга тўғри келади. Марказий Осиё шароитида сув бўлмаса, ернинг қадри қолмайди.

Бундан ташқари, Республикада аҳоли зич жойлашган бўлиб, қишлоқ аҳолиси эса бундан ҳам зичроқ. Иш билан банд бўлган ҳар бир кишига уртacha бир-бир ярим гектар сугориладиган ер тўғри келади. Уларнинг оила аъзолари ҳисобга олинса, жон бошига уртacha 0,33 гектар ер тўғри келади. Келгусида эса аҳолининг бундай кўпайиш суратларда дехқончилик учун ярокли ерларнинг танкислиги яна ҳам ошади. Бундай шароитда ерни хусусийлаштириш ижтимоий вазиятни кескинлаштириш мумкин. Асрлар мобайнида давом этиб келган ерга эгалик қилиш учун шавкатсиз кўраш ҳалқ бошига сон-саноксиз кулфат келтиргани ҳаммага маълум.

Сугориладиган дехқончилик шароитида ернинг алохидати кийматини, ҳозирги демографик, аввало, қишлоқдаги шундай вазиятни, пахта етиштиришнинг замонавий агротехникиси талабларини ҳисобга олганда ерни давлат мулки сифатида саклаб колиш, унинг сотилишига йул қўймаслик мақсадга мувофиқдир. Бу гап сув ва сугориши тизимиға ҳам таалуклидир. Ерни олди-сотди манбаига айлантириш аҳолининг хаётий асосларига путур етказган, ер билан чайковчилик қилишни келтириб чиқарган, дехқоннинг эртанги кунга ишончидан маҳрум этган бўларди.

Ерда хусусий тарздан фойдаланиш Урта Осиёдаги аҳли мусулмонга азалдан ёдэди. Мусулмонлик хуқуки хукмрон бўлган ҳамма жойда ер оллохнинг мулки ва унинг инояти ҳисобланган. Мусулмон қонунларига кўра, ерга тула чекланмаган эгалик хуқуки мавжуд эмас. Бу қонунларга мувофиқ ер фойдаланиш ва эгалик қилиш учун маълум каттиқ чекловчи шартлар билан, албатта парвариш қилиш шарти билан, берилган бўлиб, шу ернинг эгаси уни сотишига ҳақли эмас. Шу сабабли, улушбай ижара улуши кенг таркалгани тасодиф эмас, бу усуlda чоракор давлатга ва ернинг эгасига узи етиштирга маҳсулотнинг бир қисмини топширади. Чор Россияси мустамлакачилиги давридагина ерни сотиш эркинлиги иқтисодий жиҳатдан карамлика айлантиришнинг бир шакли сифатида қонунлаштириб қўйилган эди.

Ерни дехқонларга фойдаланиш учун мерос қилиб колдириш хуқуки билан бериш оркалигина қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришга, дехқонларда эгалик туйгусини қайтадан тиклашга эришилади. Энг муҳими -қишлоқда хўжалик юритишнинг ҳар бир дехқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, уз меҳнати натижаларини мустақил тасарруф этиш, уз оиласининг эҳтиёжини кондириш имконини берадиган шаклини вужудга келтириш лозим. Агар дехқон ердан олинган маҳсулот уз мулки эканини ҳис этса, шундагина у узини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳисблайди.

Қишлоқ хўжалигига узгаришлар демократик усувлар билан, аввало, дехқончилик соҳасидаги мавжуд ижтимоий - иқтисодий муносабатларни тубдан узгартириш ҳисобига амалга оширилади. Меҳнатни ташқил этишининг дехқон учун тушунарли ва фойдали бўлган шаклларини тиклаш зарур. Шаркда одамлар асрлар давомида жамоа бўлиб яшаган ва меҳнат қилган. Жамоатчилик асослари ҳалқ онгига чуқур сингиб кетган. Шунга асосланиб дехқончиликни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичини, қишлоқда ишлаб чиқаришнинг чинакам кооператив шаклларини тиклаш қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфига олишдан воз кечиш энг муҳим йулдир. Бу - инқилобий йул эмас, балки сўнгги вактларда қишлоқ хўжалигига йул қўйилган хатоларни кузатишdir.

Давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига бевосита аралашибидан воз кечиши-аграр сиёсатнинг негизидир. Давлат томонидан ёрдам берилмас экан, қишлоқ хўжалиги оёққа турса олмаслиги, Республиканинг бутун иқтисодиёти таянадиган мустахкам негиз ҳам бўлмаслиги ҳам аниқ.

Давлат қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш билан бир каторда соликлардан озод қилиш йули билан ҳам, шунингдек, аниқ мақсадга каратилган кушимча маблагларни ажратиш йули билан ҳам унга бевосита ёрдам кўрсатади. Иқтисодиётнинг аграр

секторида янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда илгари қабўл қилинган қонунлар билан бир каторда қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш соҳасида кушимча чора-тадбирлар тўғрисида ҳамда чорвачиликда ислоҳатларни такомиллаштириш ва дехкон фермер хўжаликлари манфатларини химоялаш тўғрисида 1994 йил февралда қабўл қилинган хукумат қарорлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Кўрилган чора тадбирлар натижасида қишлоқда аграр ислоҳат жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига анча мос келадиган янги хўжалик структураси шаклланди. Қишлоқда давлатга карашли бўлмаган сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг структураси жиддий узгарди.

Бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи негизи - ерга мулкчилик масаласидир. Ер улкамизнинг энг асосий бойлиги. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни узгартириш етакчи йуналиш бўлди. Қишлоқ хўжалигига доир қабўл қилинган фармонлар, «Ер тўғрисида» ги Қонун қишлоқ хўжаллигига муносабатларни қандай ташқил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатга ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб қўйилди.

Қишлоқда бозор муносабатларининг ривожланишига, дехқоннинг хўжайинлик ҳиссини қайта тиклашга ерни мерос қилиб колдириш хуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш оркали эришилади. Энг муҳими, қишлоқда хўжалик юритишнинг хар бир дехқонга манфатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, ўз меҳнатининг натижаларини мустақил тасарруф этиш имконини берадиган воситани яратишдан иборат эди. Дехқон уз меҳнатининг мевалари, ердан олинган самара узига карашли эканлигини, етиштирилган маҳсулотнинг чинакам хўжайини эканлигини кўргандагиниа узини ернинг ҳақиқий эгаси деб чинакамга ҳис қиласи, деган хulosага келдик.

Ерга мулкчилик муносабатларида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ни ташқил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозим улар самарали ишлаши учун эса кенг томир ёйган, яхши хизмат кўрсатувчи инфраструктура мавжуд бўлиши кераклиги энг муҳим коида бўлди.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари асосан паст рентабелли, сурункали заарар билан ишлайдиган ва истикболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида ташқил этилмоқда. Бундан мақсад қишлоқ хўжалигидаги ер, сув ва бошқа зарурий ресурсларни ҳақиқий эгаларига топшириб, улардан самарали ва оқилона фойдаланишга эришишдир. Фермер хўжалигини ташқил этишда асосий масала фермерлик учун давогарлар уртасида танловни тўғри одилона ташқил этишдир. Ер узининг ҳақиқий эгасига топширилгандагина ислоҳатларнинг пировард натижаси амарали бўлади.

Қайта ташқил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси негизида фермер хўжаликларини ташқил этиш буйича танлов ўтказишда тайёргарлик қилиш ва уни эълон қилиш, танловда иштирок этиш шартлари, танловни ўтказиш шартлари, танловни ўтказиш тартиби ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномасини ва танлов ғолибининг мулкка бўлган хуқуқини расмийлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда тасдикланган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли, 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорлари ва Адлия Вазирлигига 2005 йил 4 январда 1439 сон билан руйхатдан ўтказилган «Қайта ташқил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалигини ташқил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида»ги Низом каби хужжатлар билан тартибга солинади.

Маълумки, ер қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Шу билан биргаликда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини сугориладиган дехқончиликсиз тасавур қилиб бўлмайди. Демак ер ва сув фермер хўжалиги фаолиятида хаётй зарур воситалардан бири ҳисобланади.

Фермер хўжалигига ердан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Ер кадастри тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ҳамда меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги уз зиммасига қишлоқ хўжалиги экинларининг хосилдорлиги ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустахкамлаб қўйилади. Амалдаги қонунга мувофиқ фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари: - захира ерлардан;

1.2. Аграр муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги Республика халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоғидир. Шунинг учун ҳам бу тармокда ўтиш даврида бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган муносабатлар тизимини барпо этиш объектив зарурият ҳисобланади. Чунки маъмурий буйрукбозлик асосида марказдан режали бошқарилган иқтисодиёт шароитидаги қишлоқ хўжалигидаги давлат якка хокимлиги тармокда бозор иқтисоди муносабатларини талаб даражасида шакллантириш имкониятини бермайди. Дарҳақиқат бозор иқтисодиёти аввалги иқтисоддан тубдан, шаклан ва мазмунан фарқ қиласи. Бозор иқтисодига ўтишда, шунингдек, бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигига маълум муносабатларни қонунлар доирасида ҳал этишда давлатнинг раҳбарлиги бўлиши лозим, лекин у қишлоқ хўжалигидаги корхоналарнинг тўлиқ эркинлиги билан боғлиқ холда амалга оширилиши зарур. Қишлоқ хўжалигига давлат раҳбарлигини асосан давлат бош ислоҳатчи сифатида муттасил амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

«Аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳатларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни уз олдимизга вазифа қилиб қўйдик»¹ деб таъкидлаган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов. Шунга асосланган холда давлат қишлоқ хўжалигига бозор иқтисоди муносабатларини барпо этиш мақсадида ислоҳатлар мажмуасини ишлаб чиқди ва уларнинг ҳукуқий асосларини ҳам яратмоқда. Бунга Республика Олий Мажлиси томонидан кабул қилинган қонунлар ва фармонлар якол мисол бўла олади.

муносабатларни қонунлар доирасида ҳал этишда давлатнинг раҳбарлиги бўлиши лозим, лекин у қишлоқ хўжалигидаги корхоналарнинг тўлиқ эркинлиги билан боғлиқ холда амалга оширилиши зарур. Қишлоқ хўжалигига давлат раҳбарлиги асосан давлат бош ислоҳатчи сифатида муттасил амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

«Аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳатларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни уз олдимизга вазифа қилиб қўйдик» деб таъкидлаган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш йулида. Тошкент, 1995 йил 59-60 бетлар

Абдуганиевич Каримов. Шунга асосланган холда давлат қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди муносабатларини барпо этиш мақсадида ислоҳатлар мажмусини ишлаб чиқди ва уларнинг хукуқий асосларини ҳам яратмоқда. Бунга Республика Олий Мажлиси томонидан қабўл қилинганд қонунлар ва фармонлар якол мисол бўла олади.

Қишлоқ хўжалигида давлатнинг бевосита раҳбарлигида аграр ислоҳатларнинг негизи ҳисобланган ер ва мулк ислоҳатлари амалга оширилмоқда. Давлат ва жамоа хўжаликлари негизида шаклланган ва мазмунан янги жамоа, ширкат, фермер дехқон хўжаликлари ва қўшма корхоналар ташқил этилмоқда.

Республикасиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ер-сув ресурсларининг аҳамияти бекиёс чунки улар ёрдамида мамлакатимиз ички ялпи маҳсулотининг тўртдан уч қисми халқимиз истеъмол қилаётган маҳсулотларининг 95 фоизи етиширилмоқда. Шундай экан улардан келажакда янада тўлиқроқ, самаралироқ фойдаланиш долзарб муаммо ҳисобланади. Уни ҳал этиш мақсадида Республика хукумати томонидан сиёсий, хукуқий, ташқилий иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи ер, сув, мулк тўғрисидаги қонунлар, кодекслар қабўл қилинди. Уларда Республикамизда ерларга, сувларга эгалик қилиш, улардан мақсадга мувофиқ ҳамда самарали фойдаланиш борасидаги муносабатлар тизими ва уларни амалгашириш тартиби кўрсатилган. Ер-сув ресурсларга эгалик қилишнинг хукуқий асоси Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида «Ер-сув...умуммиллий бойлиkdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб алоҳида таъкидланган.

Республикамиз жами ер майдонига умуммиллий бойлик, давлат мулки сифатида эгалик қилиш хукуқи Ўзбекистон Олий Кенгashi зиммасига юклатилган. Олий кенгаш уз ваколатидаги ер муносабатларининг айрим масалаларини халқ депутатлари қишлоқ, шахар, поселка, туман ҳамда вилоят кенгашлари ва уларнинг ижрои кумиталари зиммасига юклаган. Улар юқорида келтирилган қонун талабларидан келиб чиқкан холда ерларни улардан оқилона, самарали фойдаланиш мақсадида фойдаланувчиларга маълум муддатга ҳақ тулаш эвазига фойдаланиш учун бермоқдалар.

Демак улар ерга мулкчилик муносабатларини амалга оширишга масъулдирлар. Чунки улар ерларни самарали фойдаланиш учун ҳақиқий эгасига бериш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этадилар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ер нафакат корхонанинг жойлашиш худуди, шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг энг зарурй воситаларидан бири сифатида катнашади. Ер аввало табиат маҳсули бўлиб, уни бошқа воситалар Билан алмаштириб бўлмайди. Ер инсонлар учун табиат яратган энг буюк неъмат. У инсонларга яшаш учун озиқ-овқат ва бошқа истеъмол воситалари етишириб берувчи ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади.

Ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида узига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- у табиатдан чекланган, уни инсонлар хоҳлаганича яратса олмайди;
- ундан тўғри фойдаланганда унумдорлиги ошиб боради.

Ердан бошқа ҳамма воситалар ундан фойдаланиш давомида эскиради ва вакт утиши Билан уз унумини йўқотиб, янгиси билан алмаштирилади. Ер эса ундан тўғри ва оқилона фойдаланилганда уз унумини ошириб боради. Бу тупрок унумдориги, экинлар хосилдорлиги ошиб боришида намоён бўлади.

Ерга ишлов бериш, мураккаб машиналар, илгор технологияни жорий қилиш оркали кишилар ерга, ундаги экинларга таъсир этиб, уларнинг хосилдорлигини оширади. Шундай қилиб ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида факат меҳнат предмети ёки меҳнат

йуналтирилган восита сифатидагина эмас, балки экинларга таъсир этувчи асосий восита сифатида катнашади.

Шунинг учун ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асоси воситасидир. Ернинг табиатдан чекланганлиги, унумдорлигини ошириб бориш имконияти мавжудлиги шу имкониятини руёбга чиқариш учун унга табиий унумдорлигини, хусусиятларини ҳисобга олган холда муносабатда бўлишни таказо этади.

Ернинг табиий хусусиятлари қишлоқ хўжалигини ташқил этишда ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Аммо ҳал қилувчи омил -бу, иқтисодий шарт-шароитлар. Иқтисодий тадбирларни тўғри амалга ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив асосда олиб бориш, ернинг хар бирлигидан кам меҳнат ва маблаг сарф қили шоркали энг кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»да Республика ер фонди ердан фойдаланишини асосий мақсадига кўра, қўйидаги тоифаларга бўлинади.

1. Қишлоқ хўжалик ерлари. Бу ерлар сугориладиган ва сугорлимайдиган ерларга бўлинади.

2. Аҳоли пунктлари ерлари - шахар, посёлка ва қишлоқ аҳолии пунктлари чегарасидаги ерлар.

3. Саноат, транспорт, алока, мудофаа мақсадларида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мулжалланган ерлар, юридик шахсларга юкоридаги мақсадлар учун берилган ерлар.

4. табиатни муҳофаза қилиш, согломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиш учун мулжалланган ерлар.

5. Тарихий, маданий мақсадлардан фойдаланиш учун мулжалланган ерлар, тарихий - маданий ёдгорликлар эгаллаган ерлар.

6. Ўрмон фонди ерлари. Урмон билан копланган, шунингдек, урмон билан копланмаган, бирок урмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар.

7. сув фонди ерлари - сув объектлари, сув хўжалиги иншоатлари эгаллаган ерлар, сув объектлари киргоклари буйлаб худудлар эгаллаган ерлар.

8. Захира ерлар.

Хар бир қишлоқ хўжалик корхонаси маълум ер майдонига эга бўлиб, мавжуд талаб ва таклифга кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш Билан шугулланади. Корхонанинг умумий ер майдони табиий шароитлари ҳамда хўжаликда фойдаланиш хусусиятига кўра бир хил эмас. Бундан ташкири корхонанинг ҳама еридан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фойдаланилмайди. Шунинг учун корхонанинг умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалигига ярокли ерлар ажратилган.

Ерларни табиий сифати ҳамда хўжаликда фойдаланишига караб табакалаштириш бозор иқтисодининг ҳозирги шароитида жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки бу хусусиятларга кўра, ер солиги, ижара ҳақи, ер баҳоси сингари масалалар кулами ва даражаси белгиланади.

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлар деганда бевосита қишлоқ хўжалигига таалуқли бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун сурункали фойдаланиладиган ерлар тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларига экинзорлар, яъни доимо дон ва бошқа экинлар эқиладиган ерлар, бошлар, яъни доимо кўп йиллик мевали дараҳтлар эқиладиган ерлар, яйловлар - чорва моллари боқиласидиган ерлар, пичанзорлар -доимо пичан уриб олиш учун фойдаланиладиган ерлар киради.

Хўжаликларнинг ер майдонлари таркби ва узаро нисбати доимо бир хил бўлмайди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши аҳолии эҳтиёжларининг усиб бориши билан у ҳам узариб боради.

Ерларнинг бир турдан бошқа турга утиб боришига ер трансформацияси деб аталади. Бундай ер трансформациясининг асосий қонуни - ердан унумли фойдаланиш, унинг унумдорлигини мутъаси ошириб бориш, кам унумли ерлардан юқори унумли ерларга утиб боришдир. Чунки юқорида кайд этилганидек ер микдори чекланганлиги, ундан тўғри фойдаланилганда гина унумдорлиги ошиб бориши мумкин.

Ер барча ишлаб чиқарилаётган бойликларнинг манбаси эканлиги кўп марталаб эътироф этилган. Ер саноат ишлаб чиқаришнинг айрим турлари учун ер иморатлар турадиган оддий баъза, қишлоқ хўжалигида эса асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Яъни кишилар ерга ишлов бериш йули билан ишлаб чиқаришга таъсир этади. Ер бир пайтда меҳнат предмети ва меҳнат кўроли сифатида қишлоқ хўжалигида юзага чиқади. Ер хар бир халқнинг асосий бойлигидир.

Ўзбекистон Республикаси 447,4 млн. гектар ер майдонига эга. Республика қишлоқ хўжалигига ярокли ер майдонларининг 81 фоизи ёки 26,6 млн. гектарини яйлов ва пичанзорлар ташқил этади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ярокли ерларнинг 16 фоизи ҳайдаладиган ерлардир. Мамлакатнинг лалмикор ерлар 6,6 млн. гектар. Шундан 3,0-3,2 млн гектари ҳайдалади ва уларда лалми дехқончилик Билан шугулланади. Колган қисмида намликтининг жуда кам бўлганлиги сабабли фойдаланилмайди.

Республика ер манбалари чекланган ва у қишлоқ хўжалиги тармоғида фойдаланадиган ресурс сифатида камайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида ер фонди асосий ишлаб чиқариш воситаси экан, ундан қандай фойдаланаётганимизни билишимиз зарур. Иқтисодий фан ерда фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичларни иккига бўлиб ўрганади. Биринчи гурухга ердан фойдаланишнинг даражасини ифодаловчи қўйидаги кўрсаткичлар киради:

- ерларнинг таркибий структураси. Жами ер майдонида қишлоқ хўжалиги ерларининг салмоги. Бу кўрсаткич мавжуд ерларнинг канча қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ярокли эканлигини кўрсатади;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигига ярокли ерларнинг таркибини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг таркибида ҳайдаладиган, айникса суғориладиган ерлар салмогига караб биз керакли хулосалар чиқарамиз;
- ердан фойдаланиш марталилиги. Айрим хўжаликларда маълум майдонлардан бир йилда икки, хатто уч март фойдаланилади.

Агарда қишлоқ хўжалигига ярокли ерлар таркибида суғориладиган ерлар салмогининг юқори бўлиши таъминланса яхши. Чунки суғориладиган ерларнинг кимматлилиги лалмикор ерлардагига караганда жуда катта.

Ер ислоҳатларини тўғри ўтказиш ҳам ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Ер дуч келган кишига эмас, балки ерда ишлаш тажрибаси, билими бор кишига берилиши керак. Бу борада ердан олинган маҳсулотга эгалик қилиш шароитларини тўғри ҳал этиш талаб қилинади. Акс холда ер ва сувдан самарали фойдаланиб бўлмайди.

II-Боб. Вилоятнинг аграр соҳасидаги муаммолар ва эришилган натижаларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

2.1. Қишлоқ хўжалигига мулкчилик муносабатлари соҳасидаги муаммолар

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни шуни тақазо этмоқдаки, ерга мулкчилик муносабатлари соҳасидаги муаммоларни ҳал этишни талаб этмоқда. Ҳозир аграр тармоқ ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиги муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоизидан ортигини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. Бу масаланинг иқтисодий жиҳати.

Ижтимоий соҳада эса - мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қиласидиган аҳолиси катта қисмининг, балки бутун Республика аҳлининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг ахволига, унинг ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

Энг муҳими, бу - муаммонинг сиёсий жиҳатидир. Бугун биз шуни тобора чукур англаб етапмизки, жамиятимизнинг янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигига ислоҳатлар не ҷоғли самарали кечеётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жавҳаларига нечоғлик чукур кириб бораётгани билан боғлиқ.

Шу боис мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлабоқ биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратдик.

Кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак:

Биринчидан, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари барпо бўлаётгани ҳақида тўхталиб ўтишимиз «Ижара тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ва ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорликни, фермер ва дехқон хўжаликларини яратди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ижтимоий таркиби тубдан ўзгарди. Унда нодавлат секторининг улуши 98 фоизга етди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигига 66 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчидан, қишлоқда хўжалик юритиш механизмининг мутлако янги асослари, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва суғурталаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа берилган қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайиб ерга мулкчилик муносабатлари ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишда шартномавий нархлар тизими кенг қўлланила бошлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигига ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу соҳани бошқаришнинг тамойиллари ва тизими ўзгармоқда. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг таркибини такомиллаштириш, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиқда ишлашини таъминлаш мақсадида ягона Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги ташкил этилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарига агросервис хизмати кўрсатиш ва уларнинг моддий техник таъминотини таъминлаш тизими такомиллашмоқда. Шу мақсадда машина трактор парклари вужудга келди.

Қишлоқда бозор инфратузилмасининг дастлабки кўринишлари номоён бўла бошлади. Ихтисослаштирилган тижорат банклари - «Пахта банк», «Тадбиркор банк», «Замин банк», «Ипотека банки» тузилди. Улар фермер хўжаликлари ва шчиқ корхоналарга хизмат килмоқда. Қишлоқ корхоналарини табиий оғатдан ва уларнинг ўз

шериклари билан муносабатларини суғурта қилувчи «Узагросуғурта» компанияси тузилди.

Туртингидан, қишлоқ хўжалигининг ўзида сезиларли даражада таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Ерга мулкчилик муносабатлари шаклланиб, эски тузумдан мерос қолган пахта якка хокимлигига барҳам берилди.

Галла мустақиллигига эришишнинг асослари яратилди. Масалан Республикаизда фермер хўжаликлари буйича 1994-2004 йилларда бошоқли дон экилган майдон 11,4 минг гектардан 691,6 минг гектарга етди. Бу эса бошоқли дон экинлари ялпи маҳсулотида эса 17,2 минг тоннадан 2645,2 минг тоннагача етди.

Илгари мамлакатга четдан олиб келинадиган картошка, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш анча кўпайди.

Бешинчидан, Республика ер фондини ривожлантириш ва кўпайтиришга, ернинг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳар йили 15-25 минг гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди ва 40-50 минг гектар аввалдан фойдаланиб келинган ерларнинг мелиоратив холати яхшиланди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йиллари давомида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар бу устувор тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди.

Шу йиллар мобайннида қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланди. Шу билан бирга, эришилган натижаларга қарамасдан қишлоқ хўжалигига ўтказилаётган ислоҳатларнинг бориши, чуқурлашуви ва самарадорлиги бизни кониқтира олмайди. Очик тан олишимиз керак: қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш билан боғлиқ кўплаб муҳим омил ва имкониятлар ишга солингани йўқ.

Аввало, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади - қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни, мулк эгаларини шакллантириш йули билан ерга, мулкка, меҳнатга муносабатни ўзгарттиришга эришиш даркор.

Иккинчидан, бозор механизми ва омиллари ҳали қишлоқда ўз ривожини тополмаяпти. Кўплаб қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик юритиши шаклларини - ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатни рағбатлантириш, ички хўжалик иқтисодий муносабатларнинг усул ва йулларини ўзгарттиришда юзаличиликка ва расмиятчиликка йул қўйилмокда.

Бу биринчи навбатда қишлоқ меҳнаткашларининг ўз меҳнати натижаларидан унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдорлиги ва рағбатлантириши кўринади. Қишлоқ хўжалигига хўжалик юритишининг серҳаражат механизми ҳамон устунлик қилмоқда. Бу ишлаб чиқаришда, маҳсулот таннархида номутаносибликни келтириб чиқараётир. Моддий харажатларнинг ишлаб чиқариш натижаларида ҳаддан ташқари катта бўлишига олиб келмоқда.

Учинчидан, бошқарувнинг эски усулларидан ҳали хам воз кечилгани йўқ. Маҳаллий бошқарув органларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига аралашуви давом этмоқда.

Туртингидан, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилашга, уруғчилик ва чорвачиликка, наслчилик муаммоларига етарли эътибор берилмаётир. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда агротехника талаблари бузилмоқда. Уруғчиликнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани пахта, дон ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш имконини бермаётир.

Бешинчидан, кўплаб хўжаликларининг молиявий аҳволи ўта қониқарсизлигича қолмоқда.

Юкорида айтилганларни умумлаштириб ва қишлоқ хўжалигидаги ишлар аҳволини танқидий кўз билан баҳолаб, шуни очик тан олишимиз керакки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичда қишлоқда хўжалик юритишининг заиф жиҳатлари кўриниб қолди. Бу биринчи галда дехқоннинг ерга, мулкка, ишлаб чиқарилган маҳсулотга ва даромадга эгалик қилишнинг хуқуқий асосларига тегишлидир. Шу муносабат билан «Ер тўғрисида»ги, «Мулк тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги

тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа қонун хужжатларининг айрим қоидаларини қайта кўриб чиқиши зарур. Бугун янги шароит ва талабларига жавоб берадиган меъёрий ва ҳуқуқий хужжатларнинг йўқлиги қишлоқда ислоҳатларни ва ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича яқин йилларга мўлжалланган аниқ мақсадли дастур қабул қилиш даркор. Иқтисодий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, агарар тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда умумий иқтисодиётнинг ўсиши учун асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун олис истиқболдан мамлакатимизнинг бутун иқтисодиёти барқарор ва узлуксиз ривожланиши учун макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида қишлоқ хўжалигининг ўрнига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Маълумки, АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия ва Жанубий Корея иқтисодий тараккий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд оўлганлар улуши меҳнатга қобилиятли аҳолининг 5-7 фоизидан ортмайди. Кизда бу курсаткич 40 фоиздан ортиқдир. Қишлоқ хўжалигида истикомат шлувчилар улуши эса 60 фоизни ташқил этади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларда қишлоқ хўжалиги мамлакат миллий бойлигини шакллантиришда ва ишлаб чиқариш хамда аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда асосий ўрин тутибгина қолмай, экспортнинг муҳим қисми хисобланади. Қуйидаги мисолга эътиборингизни қаратмокчимиз. Голландияда бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 4 фоизигина ишлайди. Бу давлатнинг ҳудуди ва аҳолиси Ўзбекистон билан солиштирганда бир неча баробар кам. Табиий шароити эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши учун анчагина нокулай. Шунга қарамасдан бу мўжазгина мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёда 2-3-ўринларда туради. Тўпланган жаҳон тажрибаси ва қишлоқ хўжалигидаги ишлар ахволини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этайлик. Бугунги шароити аҳолини бандлигига, қишлоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини бўшатиши ва уларни иқтисодиётнинг бозор муносабатлари тақозосига кўра ўзгартирилган турлари ва тармоқларга жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш масалаларини қайта кўриб чиқишини талаб этади.

Ўзбекистонни қишлоқ хўжалиги тараккий топган, лекин табиий шароити таҳминан бир хил бўлган бошқа давлатлар билан қиёсласак, шундай қатъий хулюсага келиш мумкин. Ўзбекистонда агарар тармоқ ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари ниҳоятда каттадир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг ишлаб чиқилиб, дастурда бозор муносабатлари асосида қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш орқали юқори пировард натижага эришиш мумкинлиги кўзда тутилган ва бу жараёнлар агарар тармоқда ўз самарасини бермоқда. Айниқса қишлоқ хўжалигидаги мулкчилик муносабатлари, маҳсулот ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатларнинг кескин ўзгариши сабабли деҳқоннинг ишлаб чиқаришга ва мулкка эгалик хисси янада ортиб бормоқда. Республика агарар соҳасида хўжалик юритишнинг турли шакллари орасида фермер, деҳқон хўжаликлари истиқболли деб тан олинди. Улар тўғрисида ҳукumat томонидан ҳуқуқий асос яратилди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида фаолият кўрсатаётган субъектлар орасидан фермер хўжаликлари ўзининг бир қанча афзаллик томонларини кўрсатди. Бу эса бозор муносабатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва унинг самарадорлигини оширишдаги афзалликлари билан бугунги истиқболи йўналишимиизга мос келишини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартағи “Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сон Фармонида фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналиш қилиб белгиланди ва фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Қашқадарё вилояти республикамизнинг жанибий ўлкаларидан бўлиб, вилоятнинг табиий-иқлим шароити, жойлашган ўрни ва маҳсулот ишлаб чиқаришида ўзига хос бўлган хусусиятга эгадир. Вилоятда қишлоқ хўжалигидаги турли мулк шаклларининг маҳсулот

ишлиб чиқаришдаги улуши кескин ўзгаришини қуидаги жадвалда келтирилган маълумотлар асосида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлиб чиқариш асосан фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари ва қисман ширкат хўжаликларида амалга оширилади. Бу хўжалик юритиш шаклларидан фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлиб чиқаришдаги улушини катта қисмини ишлиб чиқарувчи сифатида етакчилик қилади. Жумладан, вилоятда 2009 йилда фермер хўжаликларида 400740 тонна пахта хом ашёси ишлиб чиқарилган, 2010 йилда фермер хўжаликларида 434786 тонна пахта хом ашёси ишлиб чиқарилган бўлса, 2011 йилда фермер хўжаликларида 403343 тонна пахта хом ашёси ишлиб чиқарган бўлса, 2009-2012 йилларда ишлиб чиқарилган пахта хом ашёси 100 фоиз фермер хўжаликларида ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларидан бири ғалла, вилоятда 2009 йилда 982852 тонна ғалла ишлиб чиқарилган, шундан 4459 тоннаси ширкат хўжаликларида, 852739 тоннаси фермер хўжаликларида ва 125655 тоннаси дехқон хўжаликларида ишлиб чиқарилган, 2010 йилда эса 993702 тонна ғалла ишлиб чиқарилган бўлиб, шундан 7454 тоннаси ширкат хўжаликларида, 859053 тоннаси фермер хўжаликларида ва қолган 127192 тоннаси дехқон хўжаликларида ишлиб чиқарилган, 2011 йилда эса 850691 тонна ғалла ишлиб чиқарилган бўлиб, шундан 6099 тоннаси ширкат хўжаликларида, 723031 тоннаси фермер хўжаликларида ва қолган 121561 тоннаси дехқон хўжаликларида ишлиб чиқарилган.

Вилоят фермер хўжалигининг нафакат пахта ва ғалла маҳсулотлари ишлиб чиқаришда, балки бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлиб чиқаришдаги салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, вилоятда 2011 йилда 3100 тонна гўшт ширкат хўжаликларида, 2400 тонна гўшт фермер хўжаликларида ва 186750 тонна гўшт дехқон хўжаликларида ишлиб чиқарилган бўлса, 2011 йилда ширкат хўжаликларида 4800 тонна, фермер хўжаликларида 14100 тонна, дехқон хўжаликларида 701712 тонна сут ишлиб чиқарилган. Вилоятда бошқа чорвачилик маҳсулотларининг ишлиб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. (2.1.1-жадвал) Таҳлиллар натижаси шуни қўрсатадики, вилоятимизда гўшт маҳсулотлари ишлиб чиқариш ҳажми ширкат хўжаликларида 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 32,3 фоизга ошган бўлса, фермер хўжаликларида 15,3 фоизга, дехқон хўжаликларида 14,6 фоизга ошган.

Вилоятда 2012 йилда барча тоифадаги хўжаликларда дон маҳсуцлотлари ишлиб чиқариш 2010 йилга нисбатан 13 фоизга камайганлигини кўриш мумкин. Чунки вилоятда кейинги йилларда мойли экинлар билан бир каторда аҳоли истеъмоли учун керак бўладиган картошка, сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотларининг ҳажми кўпайган. Айниқса турли мулкчиликка асосланган хўжаликларда маҳсулот етиштириш ҳажми фермер хўжаликларида пахта 100 фоизни, дон экинлари эса 85-86 фоизни ташкил этиб, бошқа маҳсулотларни етиштирувчи дехқон хўядликларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини 2.1.1-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вилоятнинг аграр соҳасида фаолият қўрсатаётган хусусий мулкчиликка асосланган хўжаликларининг етиштираётган маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга ошиб борган. Бунга асосий сабаб маҳаллий ҳокимиятнинг фермер ва дехқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаши ва мамлакатимизда олиб борилаётган аграр ислоҳотларнинг натижаси десак, хато бўлмайди.

2.1.1- жадвал

Қашқадарё вилояти қишлоқ хо‘жалиги корхоналарида қишлоқ хо‘жалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш то‘г‘рисида маълумот

| T/r | Маҳсулот тури | О‘лчов бирлиги | Ҳамма тоифадаги хо‘жаликларда | | | Шу жумладан | | | | | | | | |
|-----|---------------|----------------|-------------------------------|---------|---------|--------------------------------|---------|---------|----------------------|---------|---------|-----------------------|---------|---------|
| | | | | | | Кишлоқ хо‘жалиги корхоналарида | | | Фермер хо‘жаликларда | | | Деҳқон хо‘жаликларида | | |
| | | | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. |
| 1. | Пахта | тонна | 434786 | 403343 | 424022 | - | - | - | 434786 | 403343 | 424022 | - | - | - |
| 2. | Дон | тонна | 993702 | 850691 | 863535 | 7454 | 6099 | 4317 | 859053 | 723031 | 734005 | 127192 | 121561 | 125213 |
| 3. | Сабзавот | тонна | 321468 | 362795 | 397968 | 413 | 590 | 637 | 114994 | 119735 | 131329 | 206061 | 242470 | 266002 |
| 4. | Полиз | тонна | 86122 | 100304 | 111235 | 160 | 549 | 612 | 43935 | 53445 | 59288 | 42027 | 46310 | 51335 |
| 5. | Мева | тонна | 73434 | 80639 | 88717 | 131 | 179 | 195 | 43269 | 47315 | 52077 | 30034 | 33145 | 36445 |
| 6. | Узум | тонна | 49787 | 63508 | 68680 | 490 | 1115 | 1202 | 33266 | 37977 | 41208 | 16031 | 24416 | 26270 |
| 7. | Картошка | тонна | 97740 | 112000 | 126313 | 37 | 144 | 164 | 27624 | 29717 | 33473 | 70079 | 82139 | 92676 |
| 8. | Го‘шт | тонна | 178732 | 192250 | 205757 | 2933 | 3100 | 3592 | 2250 | 2400 | 2572 | 173549 | 186750 | 199593 |
| 9. | Сут | тонна | 657162 | 720612 | 771996 | 4423 | 4800 | 5172 | 12006 | 14100 | 15440 | 640733 | 701712 | 751756 |
| 10. | Тухум | Минг дона | 192627 | 220010 | 248135 | 23563 | 38400 | 43424 | 3020 | 5110 | 5707 | 166044 | 176500 | 204028 |

2.2. Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни ва ҳозирги ҳолати

Бозор муносабатлари шакланаётган ва иқтисодий ислохатлар бошланган шароитда қишлоқ хўжалигида эркин ва мустақил ишбилармон ва тадбиркор, уз мулкига тулик әгалик қиладиган арzon ва сифатли маҳсулот етиштиришдан моддий манфаатдор мулқдор хўжалик эгалари - фермер хўжаликларини ташқил этиш ва ривожлантириш энг аввало: Республикаиз қишлоқ хўжалигида муайян уз ерига, уз меҳнатининг натижасига ва ишлаб чиқариш куроллари -трактор, машина, сеялка ва бошка турли воситаларга эга бўлган мулқдор синфини шакллантириш; сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш оркали экспорт салоҳиятини мустахкамлаш қишлоқ хўжалигида конунчилик ва хуқукий-меъёрий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш; қишлоқ хўжалигида ташқилотчи, тадбиркор ва ишбилармон шахсларни уз кобилиятларини Тула курсатишга шароит яратиш; ердан самарали фойдаланиш асосида тупрок унумдорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш оркали атроф мухит ва экологиянинг мусаффолигини таъминлаш юзасидан фермер хўжаликларини ташқил эди. Фермер хўжаликлирида иш юритиш юкоридаги холатга нисбатан тескари, яъни экинлар хосилдорлиги ёки чорва маҳсулдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва тупрок унумдорлигини оширишдан биринчи навбатда фермер хўжалигининг раҳбари ва аъзолари манфаатдор эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг шаклланиши ва ривожланишини асосий шарт-шароитлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади;

- давлат ва жамоа хўжаликларнинг даромадлари даражасининг пастлиги;
- тармоқ моддий техника базасининг пастлиги;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган саноат ишлаб чиқариш воситалари ўртасидаги баҳолар номутонасиблиги ва уларни бартараф этиш ҳамда ўрнини қоплаш бўйича самарали механизмнинг мавжуд эмаслиги;
- қишлоқ хўжалигида шахсий томорқа участкасидаги ва жамоа хўжалигида меҳнатнинг иштиёқлама характеристда бўлиши ва улар ўртасидаги номутаносиблик;
- меҳнат ресурсларининг самарасиз тақсимланиши ва фойдаланиши.

Ушбу шарт-шароитларни бартараф этиш, бозор тамойилларга мос хўжалик юритиш шакли сифатида фаолият юритиш учун қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг шаклланиши объектив зарурият ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши ва ўзини-ўзи молиявий маблағ билан таъминлаш, иқтисодий жиҳатдан мустақил, юқори дарамод олиш ва уни эркин тақсимлаш ҳамда мустақил тасарруф этиш учун фермер хўжаликлари асосий қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари сифатида фаолият юритишлари нафакат ташкилий ва иқтисодий балки ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим омилдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида рўй берадиган турли ижобий ўзгаришлар кўп жиҳатдан фермер хўжаликларининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Мазкур соҳанинг қарор топиши ва ривожланиши фермер хўжаликлари соҳасида рўй берадиган ҳар қандай ўзгаришларга таъсирчан ҳисобланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланадиган ҳозирги вактда фермер хўжаликларининг ривожланишини ифода этувчи қонуниятлар ва тамойилларга асосланган ҳолда шакланаётган фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Шу билан бир вақтда, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишига энг аввало, фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш оркали эришилиб келинган. Шундан келиб чиқкан ҳолда фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролини янада ошириш Ўзбекистон аҳолиси учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий босқичлари қўйидагича:

1-босқич. 1991-1998 йилларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритишининг асосий меъёрий-хукуқий асослари ишлаб чиқилди.

2-босқич. 1999-2002 йилларда зарап билан фаолият кўрсатा�ётган ширкат хўжаликларини тугатиш, улар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни ривожланди.

3-босқич. 2003 йилдан фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида ривожлантириш белгиланди.

4-босқич. 2008 йилда фермер хўжаликларининг ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни амалга оширилиб, уларнинг иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди.

Республикада амалга оширалаётган иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш ҳозирги куннинг асосий вазифаси бўлиб, шу йўл орқали давлатимиз иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал этиши осон кечади. Бунда республикага чет эл инвестициясини жалб қилиш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустахкамлаш, фермер хўжаликларига эркинлик бериш ва зарур шарт-шароит яратиш устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинди.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш-«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар орқали эришилган натижалар тўғрисида тўхталар экан, Президентимиз ўтган йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилганлигини, дастлаб зарап кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида ташкил етилган хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланганлигини таъкидлаб ўтдилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши бўйича маҳсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 1 октябрига қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб, 2009 йил 1 ноябрига қадар уларнинг умумий сони 105033 тани, 2010 йилда уларнинг сони 80628 ташкил қилди ва фермер хўжаликларига жами 5031187,2 гектар ер майдони биритириб берилди ёки бунда битта фермер хўжалигига ўрта хисобда илгариги 2008 йилда 27,0 гектар, 2009 йилда 56,0 гектар, 2010 йилда 62,4 гектар ер майдони тўғри келмоқда. Шундан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 41827 та бўлиб, уларга 3534381,5 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртacha 84,5 гектар ер майдони тўғри келмоқда, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 4036 та бўлиб, уларга 77087,6 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртacha 19,1 гектар ер майдони тўғри келмоқда, боғдорчик ва узумчилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 22159 та бўлиб, уларга 210510,5 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртacha 9,5 гектар ер майдони тўғри келмоқда, чорвачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 6099 та бўлиб, уларга 989257,8 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртacha 162,2 гектар ер майдони тўғри келмоқда, бошқа йўналишга ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 6597 та бўлиб, уларга 82462,5 гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртacha 12,5 гектар ер майдони тўғри келмоқда ва узок муддатга ижарага берилди.

2.2.1-жадвал

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларининг ривожланиш ко‘рсаткичлари

| Т /р | Ко‘рсаткичлар | О‘лчов бирлиги | Йиллар | | | | | 2012 йилда 2008 йилга нисб. ўзг. (пунктга) |
|------|--|----------------|--------|--------|--------|--------|--------|--|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | |
| 1. | Қишлоқ хо‘жалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмида улуши | % | 38,7 | 38,3 | 40,6 | 41,9 | 42,4 | 1,09 пунктга кўпайган |
| | Жумладан: о‘симликчиликда | % | 98,2 | 98,1 | 97,7 | 97,4 | 95,2 | 3,0 пунктга камайган |
| | чорвачиликда | % | 1,8 | 1,9 | 2,3 | 2,6 | 4,8 | 2,7 пунктга кўпайган |
| 2. | Фермер хўжаликлари сони | birlik | 29364 | 29785 | 8599 | 7168 | 7139 | 4,1 мартаға қисқарди |
| 3. | Фермер хўжалигига ишловчилар сони | kishi | 155151 | 155949 | 155932 | 155932 | 101845 | 1,52 мартаға кўпайган |
| 4. | Фермер хўжаликлигига ажратилган ер майдони | ga | 707200 | 717086 | 717086 | 772099 | 744409 | 1,05 мартаға кўпайган |
| 5. | Ўртacha бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони | ga | 24,1 | 24,1 | 66,0 | 107,7 | 104,3 | 4,32 мартаға кўпайган |
| 6. | Ўртacha бир фермер хўжалигига ишловчилар сони | kishi | 5 | 5 | 18 | 22 | 14 | 2,8 мартаға кўпайган |

Қашқадарё вилоятида 2008-2012 йилларда фермер хўжаликларининг ташкилий ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қиласақ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2008 йилда 189131 млн. сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2012 йилда 2111435,2 млн. сўмни ташкил этган, 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 11,1% га ошганлигини кўришимиз мумкин. Шу жумладан ўсимликчиликда 2008 йилда 185929 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 1085848,8 млн. сўмни ташкил этган, 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 5,8 % га ошганлигини кўришимиз мумкин, чорвачиликда 2008 йилда 32002 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 1025586,4млн. сўмни ташкил этган, 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 3204,7 % га ошганлигини кўришимиз мумкин (2.2.1-жадвал).

Таҳлиллар кўрсатишича, 2008-2012 йилларда вилоят фермер хўжаликлари сони 4,1 мартаға қисқаргани ҳолда, уларнинг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2008 йилда 38,7 фоизни ташкил этган, 2011 йилда 42,4 фоизга тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич ўсимликчиликда 2008 йилда 98,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб 95,2 фоизга тенг бўлди, чорвачиликда ушбу кўрсаткич мутаносиб равишда 1,8 фоиз ва 4,8 фоизни ташкил этди. Шунингдек, республика миқёсидағи кўрсаткичлар билан таққослаганда ҳам, вилоят фермер хўжаликларининг барқарор ривожланаётганини кузатиш мумкин.

Республика миллий иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг асосий макроқўрсаткичи ҳисобланган ялпи ички маҳсулотини яратишда Қашқадарё вилояти

муҳим ўринни эгаллайди. Вилоятнинг умумий ер майдони 2856,8 минг гектардан иборат бўлиб, ундан 512,6 минг гектари сугориладиган ер ҳисобланади. Вилоят ҳиссасига мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 9,3 % и, пахта толаси етишириб беришнинг 13,6 % и, дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 13,3 % и тўғри келади.

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-пахта, дон етишириш вилоят қишлоқ хўжалиги фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмидир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган фаолият турлари (мевали боғлар, полиз экинлари ва чорвачиликка асосланган фаолият) нисбатан кам, лекин дехқон хўжаликлари ҳисобига аста-секин ривожлантирилмоқда. Жумладан, меванинг 48 % ини, узумнинг 35,2 % ини дехқон хўжаликлари етишириб бермоқдалар. Чорвачилик йўналишида эса гўшт, сут ва тухумнинг 90 % дан кўпроқ қисмини дехқон хўжаликлари етишириб бермоқдалар;

-аграр соҳа ички маҳсулот алмашинувининг 65 % ини, аҳолини иш билан таъминлашнинг 60 % ини таъминлаб, ички қишлоқ хўжалик соҳаси вилоят аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 90 % ини қондиради.

Қўйидаги жадваллар орқали биз Қашқадарё вилоятидаги дехқон хўжаликлари сони ва уларга ажратилган ер майдонлари ҳақида маълумотга эга бўламиз (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

Қашқадарё вилояти деҳқон хо‘жаликлари ҳақида маълумот

| № | Шаҳар ва туманлар номи | Жами деҳон хўжаликлари сони, бирлик | | | 2012 йил 2010 йилга нисб. ўзг. (%да) | Шундан юридик шахс мақомини олганлар, бирлик | | | 2012 йил 2010 йилга нисб. ўзг. (%да) | Уларга ажратилган ер майдони, га | | | 2012 йил 2010 йилга нисб. ўзг. (%да) | Қишлоқ хо‘жалик ялпи маҳсулотида деҳқон хўжаликлари улуши | | | 2012 йил 2010 йилга нисб. ўзг. (пункт) |
|----------------------|------------------------|-------------------------------------|---------------|---------------|--------------------------------------|--|--------------|--------------|--------------------------------------|----------------------------------|--------------|--------------|--------------------------------------|---|-------------|-------------|--|
| | | 2010 | 2011 | 2012 | | 2010 | 2011 | 2012 | | 2010 | 2011 | 2012 | | 2010 | 2011 | 2012 | |
| 1 | Ғузор | 28559 | 28559 | 27763 | 97,2 | 1985 | 2041 | 2035 | 102,5 | 4488 | 4488 | 4498 | 100,2 | 60,9 | 68,4 | 64,5 | +1,06 |
| 2 | Дехқонобод | 24100 | 23891 | 23923 | 99,3 | 2430 | 2457 | 2483 | 102,2 | 13226 | 13864 | 14574 | 110,2 | 94,3 | 96,6 | 95,7 | +1,01 |
| 3 | Қарши туман | 30100 | 30050 | 44783 | 148,7 | 175 | 292 | 2055 | 1174,2 | 5696 | 5696 | 6230 | 109,4 | 52,7 | 61,4 | 65,1 | +1,24 |
| 4 | Косон | 44100 | 46334 | 30050 | 68,1 | 735 | 958 | 313 | 42,5 | 8723 | 8723 | 5696 | 65,3 | 47,8 | 55,8 | 61,2 | +1,28 |
| 5 | Қамаси | 38221 | 38200 | 46389 | 121,4 | 1891 | 2046 | 990 | 52,3 | 6230 | 6230 | 8723 | 140,0 | 64,0 | 68,1 | 50,3 | -1,27 |
| 6 | Китоб | 38530 | 38500 | 37468 | 97,2 | 4249 | 4485 | 4625 | 108,8 | 6312 | 8026 | 8026 | 127,2 | 60,6 | 66,2 | 64,1 | +1,06 |
| 7 | Миришкор | 18120 | 19100 | 18813 | 103,8 | 445 | 444 | 444 | 99,7 | 4449 | 4449 | 4449 | 100 | 38,3 | 46,5 | 42,2 | +1,1 |
| 8 | Муборак | 12972 | 12990 | 11058 | 85,2 | 238 | 242 | 241 | 101,2 | 2600 | 2600 | 2600 | 100 | 54,0 | 62,5 | 61,6 | +1,14 |
| 9 | Нишон | 20200 | 20165 | 20567 | 101,8 | 1701 | 1740 | 1751 | 103 | 2833 | 2833 | 2851 | 100,6 | 37,0 | 41,5 | 40,2 | +1,08 |
| 10 | Касби | 30520 | 30266 | 30300 | 99,3 | 1688 | 1692 | 1698 | 100,5 | 4941 | 4950 | 4950 | 100,2 | 43,7 | 51,8 | 49,0 | +1,12 |
| 11 | Чироқчи | 50017 | 49970 | 52500 | 105 | 5283 | 5834 | 6013 | 113,8 | 16300 | 16300 | 16300 | 100 | 74,6 | 82,6 | 76,5 | +1,03 |
| 12 | Шахрисабз | 36600 | 36603 | 36653 | 100,1 | 3526 | 4241 | 4276 | 121,2 | 4885 | 4904 | 5055 | 103,5 | 73,6 | 71,7 | 68,9 | -1,07 |
| 13 | Яккабог | 39935 | 39935 | 38120 | 95,4 | 1093 | 1341 | 1405 | 128,5 | 5558 | 5558 | 5583 | 100,4 | 55,2 | 58,5 | 55,5 | +1,0 |
| 14 | Қарши шаҳар | 43808 | 47857 | 26650 | 60,8 | - | - | - | - | 1678 | 1678 | 1678 | 100 | 83,7 | 78,6 | 84,5 | +1,01 |
| Жами вилоятда | | 456223 | 462420 | 445037 | 97,5 | 25439 | 27813 | 28329 | 111,4 | 87919 | 90299 | 91213 | 103,7 | 57,1 | 63,4 | 60,4 | +1,06 |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда 2010 йилда жами 456223 та дехқон хўжаликлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан 25439 таси, яъни 5,5 % и юридик мақомга эга. 2012 йилга келиб дехқон хўжаликлари сони 445037 тага ва шундан юридик мақомга эга бўлганлари 28329 тага етди. Бу эса ташкил этилган жами дехқон хўжаликларининг бор-йўғи 6,4 %ни ташкил этади.

Республика миллий иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичи ҳисобланган ялпи ички маҳсулотини яратишда Қашқадарё вилояти муҳим ўрин касб этади.

Вилоят ялпи худудий маҳсулоти 2009 йилда 8,2 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,3 % га ўсиши таъминланди. Вилоят бўйича ҳосил қилинган ялпи худудий маҳсулотнинг 11,7 % и дехқон хўжаликлари улушига тўғри келади. Дехқон хўжаликлари аҳоли бандлигини оширишга ҳам хизмат кўрсатувчи хўжалик шаклидир.

2.3. Қишлоқ хўжалигига етиштирилаётган маҳсулотларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

Бозор муносабатлари ҳар қандай шароитда ҳам хўжаликлар, корхоналар, фирма ёки ташкилотларни фойда олишга интилишга, фойдани максимумлаштиришга ундейди. Иқтисодиётнинг бошқарилиши бозор механизми орқали ўзини-ўзи бошқариш орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиётидаги учрайдиган муаммоларнинг барчасини хўжаликлар ўзлари тўлиқ еча олмаганликлари сабабли, баъзиларини давлатнинг ўзи ҳал қиласди. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойиллари – Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган “тараққиётнинг ўзбек модели”да ҳам иккинчи тамойил – давлат – бош ташаббускор ва ислоҳотчи, дея эътироф этилган.

Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигига қишлоқ хўжалигига ислоҳотлар босқичмабосқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2003 йил 24 мартағи “Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармонига асосан:

- қишлоқ хўжалигига хўжалик юритиш, мулкчиликнинг ижара шакли ва шартномавий муносабатларга асосланган ҳолда амалга оширилиши;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатлари иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши;
- тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолияти ушбу мақсадга бўйсундирилиши;
- хўжалик юритишнинг ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари сақлаб қолиниб, истиқболда уларни янада ривожлантириш, даромадларини кўпайтириш энг муҳим устувор йўналиш эканлиги белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 99 фоиз нодавлат секторидаги хўжаликлар хиссасига тўғри келмоқда. Шундай экан, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этишда ишлаб чиқариш ресурсларини ўз вақтида етказиб бериш сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш гаровидир.

Иzlанишлар натижасида вилоят фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурсларидан, қишлоқ хўжалик техникалар билан таъминлаш даражаси, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда минерал ва маҳалий ўғитларнинг меъёр даражасида берилмаётганлиги, фермер хўжалиги раҳбарларининг бозор қонунлари ҳакида, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси тўғрисидаги етарли билимларга эга эмаслиги ҳолатлари кузатилди.

Бундан келиб чиқиб, вилоят фермер хўжаликларини ички имкониятларини ва ресурслар етказиб беришни давлат томонидан қўллаб-кувватланаётганлигини эътиборга олиб, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

- қишлоқ хўжалигида ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва унум-дорлигини оширишда ирригация ва мелиорация ишларини амаллга ошириш;
- фермер хўжаликларининг шахсий қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалиги машиналарга эга бўлишини таъминлаш максадда лизинг муносабатларини янада такомиллаштириш ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш;
- фермер хўжликларидаги барча ҳудудларнинг табиий иқлим шароити ва ўзига хос бўлган хусусиятлардан келиб чиқиб, унумдор навдаги уруғлик тайёрлаш;
- барча турдаги минерал ўғитлардан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг етарли бўлишини таъминлаш;
- фермер хўжалигида маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни ташкил этиш ва маҳалий ўғитлардан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиб;
- фермер хўжаликлари раҳбарларини бозор ҳақидаги, қишлоқ хўжалиги экинларини етишириш агротехникаси ва қишлоқ хўжалик иқтисодиёти тўғрисида билим ва малакага эга бўлишини таъминлаш учун уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш марказларининг ишини янада такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш лозим.

Фермер хўжаликларини янада ривожлантириш хукумат томонидан қабул қилинаётган иқтисодий ислоҳотларни амалиётга кенг жорий қилиш орқали фермер фаолиятини янада ривожлантириш имконияти яратилади.

Вилоятнинг сўнги 4 йилида қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдонларининг ўзгаришлари қуйидаги 2.3.1-жадвалда келтирилган.

2.3.1-жадвал

Қашқадарё вилоятининг ер фонди таркиби

(минг гектар)

| Ко‘рсаткичлар | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил | 2012 йилда 2009 йилга нисб. ўзг. % хис. |
|--|--------------|--------------|--------------|---------------|--|
| Мавжуд умумий ер майдони | 2857 | 2857 | 2857 | 2856,8 | 99,9 |
| Жами к/х корхона ва ташкилотлари эгалик килган ҳамда вактингча фойдаланадиган ер майдони | 2461,7 | 2461,7 | 2461,7 | 2461,7 | 100 |
| шундан: | | | | | |
| Ҳайдаладиган ерлар | 677,3 | 677,3 | 677,3 | 677,3 | 100 |
| Шу жумладан: | | | | | |
| Суғориладиган ерлар | 532,8 | 532,8 | 532,8 | 532,8 | 100 |
| шундан: Пахта экилган майдон | 171,3 | 168,2 | 162,2 | 162,6 | 94,9 |
| Фалла экилган майдон | 244,9 | 249,5 | 166,9 | 167,8 | 68,5 |
| Кўп йиллик дараҳтзорлар | 33,1 | 34,5 | 34,5 | 36,7 | 110,8 |
| шундан: Боғлар | 14,1 | 15,6 | 15,6 | 17,7 | 125,5 |
| Токзорлар | 10,1 | 9,8 | 9,8 | 9,9 | 98,0 |
| Тутзорлар | 8,8 | 8,9 | 8,9 | 8,9 | 101,1 |
| Кўчатзорлар | 0,1 | 0,2 | 0,2 | 0,2 | 200 |
| Бўз ерлар | 23,1 | 22,2 | 22,2 | 22,2 | 96,1 |

| | | | | | |
|---|--------|--------|--------|--------|-------|
| Яйловлар | 1457,2 | 1455,8 | 1455,8 | 1455,6 | 99,8 |
| Бундан ташқари аҳоли томорқа ерлари (екин ерлари) | 73,8 | 73,8 | 79,1 | 79,1 | 107,2 |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятнинг жами сугориладиган ерларининг 30,5 фоизига пахта экилган, ғалла экилган майдон эса 167,8 минг гектарни ташкил этиб, жами сугориладиган ерларнинг 31,5 фоизини ташкил этади. Демак, вилоятнинг сугориладиган ерлари 532,8 минг гектардан ташкил топиб, пахта майдони 2012 йилда 2009 йилга нисбатан 5,1 фоизга, ғалла майдони эса 31,5 фоизга ва токзорлар эгаллаган майдон эса 2 фоизга камайганлигини жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. Бироқ вилоятнинг сугориладиган ерларида боғзорлар, тутзорлар ва кўчатзорлар эгаллаган майдон таҳлил қилинадиган йилларда 110-200 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Энди вилоят қишлоқ хўжалигида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўсиш динамикаси таҳлилини кўриб чиқамиз ва 2.3.2-жадвалда акс эттирамиз.

2.3.2-жадвал

Вилоят қишлоқ хўжалигида етиштирилдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиши

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил |
|---------------------------------|---------------|----------|----------|----------|----------|
| Деҳқончилик маҳсулотлари | | | | | |
| Картошка | тонна | 86211 | 97740 | 112000 | 126313 |
| Сабзавот | тонна | 285966 | 321468 | 362795 | 397968 |
| Полиз | тонна | 76751 | 86122 | 100304 | 111235 |
| Мева | тонна | 63489 | 73434 | 80639 | 88717 |
| Узум | тонна | 42076 | 49787 | 63508 | 68680 |
| Чорвачилик маҳсулотлари | | | | | |
| Гўшт | тонна | 167343 | 178732 | 192250 | 205757 |
| Сут | тонна | 616791 | 657162 | 720612 | 771996 |
| Тухум | минг дона | 171182 | 192627 | 220010 | 248135 |
| Жун | тонна | 5037 | 5290 | 5692 | 6339 |
| Қорақултери | дона | 121464 | 127248 | 171150 | 181836 |

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят қишлоқ хўжалигида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлар ҳажми йиллар давомида ошиб борган. Масалан, картошка етиштириш 2012 йилда 2009 йилга нисбатан 146,5 фоизга, полиз маҳсулотлари ҳажми 145 фоизга ва узум етиштириш ҳам 163,2 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари ҳажми ҳам таҳлил қилинаётган йилларда ошиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, гўшт етиштириш 123 фоизга, сут етиштириш 125,2 фоизга, тухум етиштириш эса 145 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Демак, вилоятнинг қишлоқ хўжалигида фаолият

кўрсатаётган фермер ва дехқон хўжаликларига яратилаётган шарт-шароитлар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси десак хато бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш ва хўжаликларни барча ресурслардан тўлиқ ва муаммоларсиз фойдаланиш учун экинларни жойлаштириш ва ер майдонларни йириклиштиришда қуидаги ишлар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1. Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда худуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб экинларни жойлаштириш. Буни қуидаги схемада амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- пахта-40%
- ғалла-40%
- чорва учун озиқабоп экинлар (асосан беда)-15%
- озиқ-овқат экинлари (сабзавот, полиз, мева, узум)-5%

2. Айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (картошка, сабзавот, полиз) ишлаб чиқаришда уларнинг агротехникасини пухта ўрганиш ва шу экин турини бошқа минтақада ишлаб чиқариш имкони бўлганда уларнинг иқлимига мос ҳолда экиш муддатларини белгилаш;

3. Вилоят умумий ер майдонинг 67,0 фоизини яйловлар ташкил қилганлигини ҳисобга олиб, чорвачилик фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали дехқончилик учун зарур маҳаллий ўғитлар заҳирасини яратишни кўзда тутган ҳолда тармоқларни мувофиқ равишда фаолиятини ташкил этиш;

4. Вилоядта асосий экин тури пахта ва ғалла бўлган фермер хўжаликларида оралиқ экин сифатида картошка, сабзавот ва полиз экинларини экиш агротехникасини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

5. Экинларни жойлаштиришда қишлоқ хўжалигининг лалми ва суформа дехқончилик хусусиятларини қатъий эътиборга олган ҳолда тадбирларни самарали ташкил этиш;

6. Мелиоратив ҳолати ёмон ер майдонига эга бўлган фермер хўжаликларида маҳсус алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш;

7. Фермер хўжаликларини йириклиштиришда фермер хўжалиги раҳбарининг малакаси, мавжуд техника ва қишлоқ хўжалиги машиналари ва ҳисоб рақамидаги молиявий маблағларини ҳисобга олиш;

8. Фермер хўжалигини йириклиштиришда сув ресурсларидан фойдаланиш қулайлигига эришишни таъминлаш каби ишларни амалга ошириш фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўрни янада ошади

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсиши биринчи навбатда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг қандай ва қай даражада ҳал этилишига боғлиқдир. Ўтган йиллар ичida фермер хўжаликларини самарали фаолият курсатишининг хукуқий, ташқилий ва иқтисодий асослари яратилиб, маълум даражада ижобий ютуқларга эришилди. Фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш ва иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш Республикаизда фермер хўжаликларини устувор йуналишлари сифатида ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий аҳволни яхшилаш ва стратегияси тўғри белгиланганлигини яна бир бор исбот қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси

| Кўрсаткичлар | О‘лчов бирлиги | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил |
|--------------|----------------|----------|----------|----------|----------|
|--------------|----------------|----------|----------|----------|----------|

2.3.2-жадвал

| | | | | | |
|--|----------------|------------------|------------------|------------------|------------------|
| Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти амалдаги баҳода | млн.сўм | 1079795,7 | 1329800,9 | 1587027,6 | 2111435,2 |
| <i>Шу жумладан:</i> | | | | | |
| Деҳқончилик маҳсулотлари | млн.сўм | 559105,9 | 709733,8 | 767141,1 | 1085848,8 |
| Чорвачилик маҳсулотлари | млн.сўм | 520689,8 | 620067,1 | 819886,5 | 1025586,4 |
| Ўтган йилга нисбатан (солиштирма баҳода) | % | 103,3 | 107,1 | 102,5 | 107,3 |

Вилоятда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ҳам 2009-2012 йиллар давомида ўсиб борган, яъни 2009 йилда жами 1079795,7 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткич 2012 йилда 2111435,2 млн.сўмни ташкил этган. Деҳқончилик маҳсулотлари ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларидағ улуши 2009 йилда 51,7 фоизни ташкил этиб, 2012 йилда эса 51,4 фоизни ташкил этган. Чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми эса мос равища 48,3 ва 48,6 фоизни ташкил этган. Демак, вилоятда чорвачилик билан бир қаторда деҳқончилик маҳсулотлари ҳам етиштириш кўлами ошиб бормокда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш учун:

- аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан арzon нархларда ва узлуксиз равища таъминлашни ташкил этиш мақсадида маҳаллий хокимликлар қошида мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотлари. ва картошкани фермер хўжаликларидан мақбул нархларда сотиб оладиган, сақлайдиган, ташийдиган, ички истеъмол бозорларига реализация қиласидиган, экспортини амалга оширадиган ҳамда молиялаштирадиган ихтисослашган компаниялар ташкил қилиш ва уларни етарли микдордаги айланма маблағлар ҳамда зарур моддий-техника базаси

билан таъминлашни ташкилий чоралари ишлаб чиқиш;

- бугунги кунда жаҳон миқёсида кузатилаётган озиқ-овқат муаммоси салбий оқибатларининг олдини олиш учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни оптималлаштириш, илм-фан тавсияларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ер майдонлари мақбуллаштирилган фермер хўжаликлари бўйича 2012 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

- республикадаги мавжуд барча тоифа хўжаликларида қорамоллар бош сонини кўпайтиришнинг ташкилий чораларини ишлаб чиқиш;

Қашқадарё вилоятининг ҳар бир туманида енгил конструкцияли, альтернатив иссиқликтан фойдаланиш кўзда тутилган иссиқхоналар қуриш;

- сув танқислигининг етиштирилаётган ҳосилга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган техник-муҳандислик тадбирлари ва сув ресурсларининг тежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш;

- 2012 йилда Қашқадарё вилоятининг 2,5 минг гектар ер майдонида хорижий инвестициялар хисобига қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суюриш технологиясини жорий этиш;

- мавжуд қайта ишлаш корхоналари ва агрофирмалар томонидан сотиб олинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари учун бўнак маблағлари бериш ва кейин сотиб олинган маҳсулотлар учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш максадида узлуксиз нақд пул бериб боришининг механизмини такомиллаштириш ва мунтазам мониторингини юритиш;

- сабзавот, полиз ва картошка экинларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа бўйича асосий, ёш боғ-узумзорлар оралиғига эрта ва ўрта муддатларда етиштирилиши бўйича тақрорий майдонларга жойлаштириш;

- фермер хўжаликлари бўйича мева-сабзавот экинлари етиштириш учун уруғлик, кўчатлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш;

- дехқон хўжаликлари томорқаларида экиладиган экинлар турлари ва майдонларини аниқлаш ҳамда уруғликка, кўчатларга, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига ва минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш тизимини ривожлантириш;

-сабзавот-полиз экинлари картошканинг серхосил, касаллик ҳамда турли шароитларига булган янги навлари ва биринчи дурагайларини яратиш;

-чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларида давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштириш бўйича пахта ва бошоқли дон экинлари жойлаштирилмаслиги, ҳисобига озуқа майдонлари кўпайиши ҳамда оралиқ ва такрорий экин майдонларини кўпайтирилиши ҳисобига озуқа бирлиги, гўшт ва сут ишлаб чиқариш миқдорини ошириш;

-ташкил этилган паррандачилик фермер хўжаликлари ва фабрикалари ер майдонларида озуқа экинлари етиштириш имконияти кенгайганлиги ҳисобига парранда гўшти ва тухум етиштириш ҳажмини кўпайтириш.

-фермер хўжаликларida инқирозга қарши бошқариш стратегиясини шакллантириш.

ІІІ-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида аграр соҳани ривожлантиришда ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

3.1. Ерга мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар

Бутун аграр сиёsatнинг муҳим масаласи - бу ерга мулкчилик муносабатларидир. Ер - улкамизнинг энг асосий бойлиги. Шу сабабли Республикализнинг келажаги, Ўзбекистон халкининг эртанги куни қўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатларининг қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки боскичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни узгартириш асосий етакчи йуналиш бўлди. Қишлоқ хўжалигида ерга доир кабўл қилинган фармонлар, «Ер кодекси» қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатга ижара шартлари билан топширилиш мумкинлиги ёзиб кўйилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожланишига, дехқоннинг ерга эгалик ҳиссини кайта тиклашга, ерга мерос қилиб колдирилиш хукуқи билан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш оркали эришилди. Энг муҳими қишлоқ хўжалиги юритишнинг хар бир дехқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, уз меҳнатининг натижаларини мустақил тасарруф этиш имконини берадиган воситани яратишдан иборат эди. Дехқон уз меҳнатининг мевалари, ердан олинган самарарнинг узига карашли эканлигини, етиштирилаётган маҳсулотнинг чинакам хўжайни эканини кўргандагина узини ернинг ҳақиқий эгаси деб чинакамига ҳис қиласи деган хуносага келдик.

Ўзбекистон Республикасида дехқончиликнинг бошкалардан фарқ қиласиган хусусияти шундан иборатки, у сугориладиган ерларда олиб борилади. Бу ерларда курдатли ирригация тармоги хизмат қиласи. Барча хайдаладиган майдонларнинг туртдан уч кисмидан кўпроги сугориладиган жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатларининг қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки боскичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни узгартириш асосий етакчи йуналиш бўлди. Қишлоқ хўжалигида ерга доир кабўл қилинган фармонлар, «Ер кодекси» қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатга ижара шартлари билан топширилиш мумкинлиги ёзиб кўйилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожланишига, дехқоннинг ерга эгалик ҳиссини кайта тиклашга, ерга мерос қилиб колдирилиш хукуқи билан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш оркали эришилди. Энг муҳими қишлоқ хўжалиги юритишнинг хар бир дехқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, уз меҳнатининг натижаларини мустақил тасарруф

этиш имконини берадиган воситани яратишдан иборат эди. Дехқон уз меҳнатининг мевалари, ердан олинган самаранинг узига карашли эканлигини, текширилаёттган маҳсулотнинг чинакам хўжайни эканини қўргандагина узини ернинг ҳақиқий эгаси деб чинакамига ҳис қиласди деган хуносага келдик. Ўзбекистон Республикасида дехқончиликнинг бошкалардан фарқ қиласдиган хусусияти шундан иборатки, у суғориладиган ерларда олиб борилади. Бу фларда курдатли ирригация тармоги хизмат қиласди. Барча хайдаладиган шдонларнинг туртдан уч қисмидан кўпроги суғориладиган ерлардир. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари суғориладиган дехқончиликни ривожлантири, ирригация ва мелиорация тармокларини кўри ива ишлаб тўрганларини кайта кўриш, бу тармоклар кимнинг мулки бўлади, деган масалани хал қилиш бевосита боғлиқдир. Ернинг мелиоратив холатига эътиборни хеч качон сусайтирмаслик керак. Республикаизда 4,2 млн. гектар суғориладиган ер бўлиб, шуларнинг 50 (юиздан кўпроги яхши мелиоратив холатда, колган ерлар эса яхшилашни ва мелиорация ишларни олиб боришни талаб этади. Бунинг учун 1998 йилдан бошлаб 25 минг гектар янги ерларни узлаштириш, 50 минг гектар ерда кайта узлаштириш ишларини олиб бориш хамда 26 минг гектар ерда коллектор дренаж тармогини кўриш мулжалланган.

Агар 1990 йилда бир гектар суғориладиган Янги ерни узлаштириш учун 6,5 минг рубль ва илгаридан суғорилиб келинган бир гектар ерни кайта узлаштириш учун 5000 рубль талаб қилинган бўлса, хозирги вактда харажатлар тахминан 15-20 баробар ошиб кетди. Малумки бирорта хам фермер ирригация ва мелиорация ишларини мустақил амалга ошира олмайди. Факат давлатгина мелиорация тармогини лойихалашга, кўришга, ерларнинг шур босиши, боткокликнинг олдини олиш масалаларини хал қилишга кодир. Бундан тегишли хуноса чиқариш хозирги вактда давлат мелиорация, ирригация ерларнинг унумдорлигини ошириш дастурларининг хаммасини бажаришни уз зиммасига олди ва шу тарика давлатга карашли бўлмаган хўжаликларга жуда катта мадад ва ёрдам кўрсатди.

Аграр ислоҳатларни амалга ошириш жараёнида иқтисодий муносабатларни хамда бошкаришни ташқил этиш тизимида узгаришлар қилиниши зарурлиги кўриниб колди. Аграр соҳада бошкарув [тузилмаларини кайта ташқил этиш жараёнида бирламчи қишлоқ бугинининг қандай бўлиши кераклиги аник бўлиб колди. Фермер хўжаликларини бирлаштирадиган ва уларга хизмат қиласдиган, йул- йурик кўрсатадиган ва моддий техникавий таъминот, техник агрокимё хизмати кўрсатиши масалаларида ёрдам берадиган кооперативлар тузилди.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишни ташқил этишининг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозим. Уларнинг самарали ишлаши учун эса кенг томир ёйган, яхши хизмат кўрсатувчи инфратузилма -агро фирмалар, машина - трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, гайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кайта ишловчи кичик юрхоналар ваш у кабилар мавжуд бўлиши кераклиги энг муҳим коида бўлди.

Ишлаб чиқариш тамойиллари ва ёндашувларга асосланиб, биринчи боскичда давлат хўжаликларини жамоа, кооператив, хиссадорлик хўжаликларига ва хар хил хусусий қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантириш жараёнлари амалга оширилди.

Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг таркиби мулкчилик шакллари буйича тубдан узгарди. Хозирги вактда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бутун хажмининг 97 фоизи хусусий сектор хизматига тўгри келади. Республикада иқтисодий ислоҳатларни амлага оширишнинг дастлабки боскичидаги кулга киритилган энг муҳим натижа шахсий томоркаларни кенгайтириш, Янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва бог, дала, ховли участкаларига ажратиб бериш йули билан аҳолини амалда ер билан таъминлашдан иборат бўлди.

Одамларга ер берилиши ислоҳ қилишнинг дастлабки энг кийин йилларида зарур, нихоятда кескин муаммоларни хал қилишда жуда муҳим рол уйнади. Дехқон фермер хўжаликларни мустахкамлаш борасида туб чора-тадбирлар кўриш ҳисобига:

Биринчидан меҳнатга ярокли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча кисмини, асосан қишлоқда яшаётган Хотин-кизлар ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга, шу тарика ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини бархам топшпришга эришилди.

Иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишга, шунингдек шартномалар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етишитирш билан иугулланиб келганларга меҳнат дафтарчалари

бериш хамда уларга кариганда нафака олиш хуқуқини бериш билан кўпгина қишлоқ аҳолисининг ижтимоий кафолатларини мустахкамлашга эришилди.

Учинчдан, аҳолини хаётий мухим озиқ-овкат махсулотлари Билан гаъминлашдаги кескинликка бархам беришга мувофик бўлинди. Ер участкалари олган оиласалар картошка, сабзавот, мева, чорвачилик иахсулотларига бўлган уз эҳтиёжларини кондирибгина колмай, балки уларни шахарлардаги дехқон бозорларида сотишни анча кўпайтириб, озиқ-овкат муаммосини хал қилишга анча улуш кушди.

Туртинчидан, якка тартибда уй-жой кўрилиши куламини анча кенгайтиришга муваффак бўлинди, бу холл аҳолини уй-жой Билан таъминлаш, Республикаиз аҳолисини коммунал - маиший ва уй-жой шароитларини яхшилаш борасидаги анчагина муаммоларни хал қилишга ёрдам берди.

Бешинчидан, факат ижтимоий низоларнинг сабаби ва манбаъларини бартараф этиш ҳисобигагина эмас, балки кишиларнинг шахсий томорка ерларини ва bog, dala, xovli ерларини ободонлаштиришда фаол катнашиш, узи ва оиласининг манфаатларини кузлаб фойдали меҳнат билан шугулланиш натижасида уларнинг турмуш даражаси яхшиланмоқда. Бу хам Республикаизда ижтимоий сиёмий вазиятнинг баркарорлиги таъминлашга сезиларли ҳисса бўлиб кушилди. Одамларга ер берилиши мухим ахамият касб этмоқда. Ер олган одам даромад ола бошлайди, узини манна шу ернинг ер эгаси деб эркин ва мустақил ҳис қилмоқда.

Иқтисодий узгаришлар амалга оширилган йилларда аҳолининг фойдаланиш учун кушимча суратда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Бу карорлар кабўл қилингунча аҳолии эга бўлган ер майдонидан анча кўп. Шахсий томорка учун берилган ернинг умумий ер майдони деярли 700 минг гектарга етди. Хозирги вактда 9 миллиондан ортик одам ана шу ер хоисилидан фойдаланмоқда. Томорка ерларининг хажми 0,35 гектаргacha бўлиб, бу ер ресурслари чекланган бир шароитда жуда ката бойлиkdir. Шахсий хонадаонларда жами корамолларнинг 70 фоизи, қўй эҷқиларнинг ярми боқилмоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг умумий ишлаб чиқариш хажмида улуши ортди. Уларда сутчилик, гушт, картошка, сабзавот ва мевалар асосий ўрин эгаллади.


Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга каратилган чора-тадбирлар тизимида қишлоқ хўжалигига биринчи боскичда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни гашқил этишининг Янги шаклларини ривожлантиришга ката эътибор берилиди.

Бунда ер чинакам эгасига тегиши керак деган коидага амал қилинди. Қишлоқ хўжалигига дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришни рагбатлантириш учун хам хуқуқий хам ташклий шарт - шароитлар яратилди. Фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб колдириш шарти Билан узоқ муддатга ижарага олиш хуқуқи мустахкамлаб қўйилди. Республика бюджетидан фермерларни куллаб кувватлаш учун маблаглар ажратилди.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигига қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.

3.1.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, (фоизда).




Ўтган 2005-2011 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси таъминланди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилда 105,4 фоизни ташқил этган бўлса, 2011 йилда 106,6 фоизга тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2011 йилда 17,1 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу аввало мамлакатимиз иқтисодиётида индустрiali саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илгор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан биргага, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Бунинг самараси ўлароқ, 1990-2011 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробар, узум 1,3 баробардан зиёд, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробарга, сут 2 баробардан ва тухум 2,4 баробардан кўпроқ ошганлиги фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар хосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.



3.1.2-расм. Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси, центнер ҳисобида.

Расмдан кўриниб турибдики, ўтган 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, 2010 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 25,6 центнерга ёки 113,3 фоизга, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,2 центнерга ёки 218,8 фоизга, картошка ҳосилдорлиги 80 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 фоизга, сабзавот ҳосилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 фоиз га ва полиз ҳосилдорлиги 115 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5 фоизга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикамиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, хозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиширишнинг баркарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига нисбатан 24,0 кг мева, 24,0 кг узум, 138,6 кг сабзавот, 15,1 кг картошка ва 39,0 кг полиз маҳсулотлари етиширилган бўлса, 2011 йилга келиб аҳоли жон бошига 60,1 кг мева (250,4 фоиз), 35,1 кг узум (146,2 фоиз), 225 кг сабзавот (162,3 фоиз), 60,5 кг картошка (400,6 фоиз) ва 42,0 кг полиз маҳсулотлари (107,6 фоиз) етиширилди.

3.1.1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг

| Маҳсулотлар тuri | 1991 йил | 2011 йил | 2011 йил 1991 йилга нисбатан, фоиз да |
|------------------|-------------|-------------|--|
| Мева | 24,0 | 60,1 | 250,4 |
| Узум | 24,0 | 35,1 | 146,2 |
| Сабзавот | 138,6 | 225,0 | 162,3 |
| Картошка | 15,1 | 60,5 | 400,6 |
| Полиз | 39,0 | 42,0 | 107,6 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислоҳотлар туфайли республикамизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори барқарор ўсиб борди. Жумладан, 2011 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31 кг.дан 38 килограмм ёки 122,6 фоизга, сут маҳсулотлари 183 килограммдан 239 килограммга ёки 130,3 фоизга, тухум 97 донадан 138 донага ёки 142,3 фоизга ошган.

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулкий-таркибий ислоҳотларда биринчи навбатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишга муҳим эътибор қаратилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданоқ зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида йирик таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар натижасида 1999-2007 йилларда жами 2102 та истиқболсиз ширкат хўжалиги босқичма-босқич тугатилиб, уларнинг негизида 158738 та фермер хўжалиги ташқил этилган эди.

Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2010 йиллар давомида ўтказилган мақбўллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Бу жараёнда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қўйидаги омиллар эътиборга олинди:

- фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда, ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;
- сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулав шароит яратиш;
- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашув борасидаги молиявий имкониятларини кенгайтириш;
- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида, 2011 йил якунига кўра, республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан 66134 тага ёки 69,4 фоизга камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектаргacha кўпайтиришга эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдонини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарга, сабзавотчилик ва полизчиликда 23,5 гектарга, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарга, чорвачиликда 205 гектарга тенг бўлмоқда.

3.2. Қишлоқ хўжалигига тадбиркорликни ривожлантиришда ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

Тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалик соҳаларидаги шакли агробизнес кўринишида намоён бўлади. Агробизнес тушунчасига қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий, таъмирлаш хизмат кўрсатиш, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Қисқача қилиб штганда, агробизнес агросаноат интеграцияси натижасида вужудга келган [агросаноат мажмуасининг барча бўғинларни қамраб олади.

Агробизнес фаолиятининг мақсади истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Агробизнеснинг асосий шакли ва бирламчи бўғини **фермер ва деҳқон хўжаликлари**dir. Чунки улар бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шлаб чиқаради. Бу хўжаликлар ўз ерида ёки ижарага олинган ерда иш юритиб, унда мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчи фермернинг ўзи ва

оила аъзолари ҳисобланиб, айрим ҳолларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳам кин. Фермер хўжалигининг афзаллиги шундан иборатки, ундан мулк ва меҳнат бевосита қўшилади, бу эса юқори самарани таъминлайди. Фермер ""аликлари мустақил тузилма бўлиш сабабли ўз фаолиятини бозор нъюнктурасига тез мослаштира олади. Унда иқтисодий манфаат ва пировард натижага учун масъулият битта фаолиятнинг икки томонини ташқил қиласи. Уларнинг ҳаммаси фермер хўжалигининг яшовчанлигини таъминлайди.

Республикада ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларидаёқ, Президентимиз Ислом Каримов фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташқил этишининг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Шу сабабли республикамизда қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш аграр ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Республикада бу жараён зарар кўриб ишлаш натижасида оғир ахволга тушиб қолган давлат хўжаликларининг таркиби фермер хўжаликлидан иборат ширкатлар уюшмасига айлантириш, мавжуд давлат ва жамоа хўжаликлари таркибидан улар ресурслари ҳисобидан фермер хўжаликлари уюштириш ҳамда дехқоннинг ўз мол-мулки негизидан бундай хўжаликларни дехқон хўжалиги ташқил қилиш йўли билан боради. Фермер хўжалигининг барча ташқилий шаклларининг умумий томони шундаки, улар ижарага олинган давлат ерида фаолият кўрсатади. Фермер ва дехқон хўжаликларини ташқил қилиш, ривожлантириш ва улар фаолиятини тартиба солиш Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги пооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунларга ҳамда қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бошқа ҳуқуқий битимларга ва ҳукумат қарорларига асосланади.

Бу қонуний ҳужжатларда фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан, бирга бу хўжалик учун ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда давлат томонидан кафолатлар яратиш йўли билан уларни ҳимоялаш тизими вужудга келтирилди. Шундай қилиб фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташқилий шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, қишлоқ аҳолисини қўшимча даромад билан таъминлаш, қўшимча иш ўринларини яратиш каби муҳим ижтимоий-иктисодий вазифаларни бажарап экан, уларнинг ривожланиши учун мавжуд ташқилий, ҳуқуқий шароитларини янада яхшилаш, давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-куватлашни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Фермер хўжаликлари фаолиятини тартиба солувчи маҳсус қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги, фермер хўжаликларига юридик шахс сифатида фаолият юритиш учун имкониятлар берилганлиги, фермер хўжалиги ишчиларнинг иш вақти меҳнат стажига қўшилиши ана шулар жумласидандир. Амалга оширилган тадбирлар натижасида фермер хўжаликларнинг ер майдонлари мақбўллаштирилмоқда, фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми муттасил равишда ошиб бормоқда. Шу билан биргаликда фермер хўжаликларининг янада самарали фаолият юритиши, кўпроқ даромад келтириши учун яна бир қатор ташқилий тадбирларни амалга ошириш, мавжуд ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш зарур бўлади.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва инқирозга қарши чора-тадбирларни белгилаб олиш учун, аввало жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг муҳим жиҳатлари, келиб чиқиши сабаблари ҳамда хусусиятларини бир оз таҳлил қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон шароитида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар нафакат қишлоқ хўжалигини, балки барча иқтисодий тармоқларни жаҳон молиявий-иктисодий инқирозидан энг кам зарар билан чиқиш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишига қаратилган.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан республикамизда салмоқли ўринга эга бўлган хўжалик юритиш шаклларидан бири, албатта, фермер хўжаликларидир. Уларни барқарор ривожлантиришдан асосий мақсад иқтисодиётда бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай тебранишлар ва кескинлашувдан ҳоли бир шаклда иқтисодий ва ижтимоий ўсишини таъминлашдир.

Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишига жаҳон молиявий-иктисодий инқирози қандай таъсир кўрсатади? Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози банк муассасаларидан то ишлаб чиқариш соҳаларига борган бир занжир бобида барча тармоқларни ўз таъсири доирасига олади ва олиб бормоқда. Шу боисдан, инқироз фермер хўжаликларини тўғридан-тўғри ёки билвосита ўз таъсири доирасига олиши мумкин, аммо инқироз бошқа тармоқларга таъсир этиши билан фермер хўжаликлари ҳам билвосита унинг таъсир доирасига киради.

Бунда банк муассасалари фермер хўжаликларини кредит билан таъминлаш уларга иқтисодий молиявий ёрдам беришни ташқил этишлари ва суғурта ташқилотлари фермер хўжаликларини иқтисодий танглик ва курғоқчилик ҳолатларига қарши ҳимояловчи ташқилот бўлиб иқтисодий хавфларни суғурталаш ишларини кучайтиришлари айни мудда бўлади.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг таъсири ва салбий оқибатларини олдини олиш йўлларини белгилаб олиш фермер хўжаликларида ҳам ўзига хос ёндашувга асосланиши лозим. Фермер хўжаликларни барқарор ривожлантиришга республикамиз ҳукумати томонидан алоҳида эътибор бериб келинди ва бир қатор муҳим қарор ва фармонлар қабўл қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Уларни самарали фаолият юритишлари учун зарур ҳуқуқий ва меъёрий асослар тўлиғича яратилди, десак муболага бўлмайди. Лекин шунга қарамай фермер хўжаликлари фаолиятида юзага келган бир қатор муаммоларни аниқлаб олиш ва жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига қарши дастурлар ишлаб чиқишида ушбу муаммоларни келтириб чиқарган сабабларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, ушбу муаммолар қўйидагилардан иборат:

1. Бугунги кунга келиб мамлакатда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қарийб 35,0 фоизини, чорвачилик маҳсулотларининг 3,7 фоизини етказиб берадиган, қишлоқ аҳолисини кўшимча даромад ва иш ўринлари билан таъминлаётган фермер хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи етарлича ҳал этилмаган. Уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур моддий техника ресурслари билан доимий равишда таъминлаш керак. Фермер хўжаликларига чорва озукаси ва бошқа зарурӣ ресурсларни етказиб бериш муаммосини ва бошқа масалаларни ҳал этувчи мувофиқлаштирувчи тузилма ташқил этиш зарур бўлади.

2. Фермер хўжаликларни барқарор ривожлантиришга таъсир қилувчи айрим ташқилий масалаларни ўзаро кооперация асосида иш юритиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бунда фермер хўжаликларни турли хил кооперативларга бирлашиши ихтиёрийлик асосида хўжалик аъзолари кооперативга бирлашишнинг афзалликларини онгли равишда ҳис қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки ҳар қандай хўжаликни мажбурий равишда маайян бирлашса, уюшма ёки кооперативларга бирлаштириш хеч қандай самара бермаслигини амалиёт тажрибалари кўрсатмоқда. Кооперативлар асосан кўп йўналишли ёки ихтисослашган ҳолда ташқил қилиниши мумкин.

3. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш, даромад олиш даражаси республика минтақалари, шунингдек алоҳида вилоятларнинг ичидаги ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Бунга, биринчидан тупроқ иқлим шароитларнинг турличалиги сабаб бўлса, иккинчи асосий сабаб фермер хўжалиги эгаларининг мавжуд имкониятдан фойдаланиб кўпроқ даромад олишга бўлган интилишнинг йўқлигидир.

Маълумки, фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш қишлоқ аҳолиси даромади ва турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши бежиз эдি. Ушбу йўналишда 2009 йил 26 январдаги “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат дастури тўғрисида” ги Президент фармони қабўл қилиниб, унда қишлоқ жойларда яшаётган

аҳолининг турмуш даражасини шаҳар билан тенглаштириш, қишлоқнинг республикамиз иқтисодиётдаги ўрни ва салоҳиятини ошириш, қишлоқни ривожлантириш бўйича стратегик меъерий ва хуқукий хужжатларни такомиллаштириш, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида қишлоқда фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш орқали республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда аҳолини бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ва устувор вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу фармон билан фермер хўжаликлар фаолиятини янада ривожлантиришга тегишли бўлган қуйидаги тадбирлар белгилаб берилган. Жумладан:

- чорвачиликни ривожлантириш;
- ҳар бир минтақада мамлакатда ишлаб чиқарилган юқори технологияга асосланган мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини ташқил этиш;
- мини технологиялар ярмаркасини ўтказиш ва бошқалар.

Маълумки, ҳозирги жаҳон инқирози оқибатларини бартараф этиш ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини оширишнинг чора-тадбирларидан бири бу аҳолини, айниқса, қишлоқ ёшларининг бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини ташқил этишга кўмаклашиш мақсадида хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини ривожлантириш муҳим омил хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида фермер хўжаликларни барқарор ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилишга тизимли тарзда ёндашиш, барча йўналишдаги тадбирларни ўзаро мутоносиб ҳолда олиб бориш, бу жараёнларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-куватлашни йўлга қўйиш, яқин истиқболда жаҳон молиявий-иктисодий инқирози оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш, фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, қишлоқда қўшимча иш ўринларини ташқил қилиш ва пировард натижада қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тизимини янада ривожлантиришга қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иктисодий турмуш даражасини кўтариш мустаҳкам асос бўлади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тарақкий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизmlарини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иклим шароитларини хисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зааркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлашириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш, асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан унинг маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

- ❖ чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- ❖ наслчиликни тубдан яхшилаш;
- ❖ тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- ❖ паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- ❖ чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллашириш;
- ❖ озуқа экинларини жойлаширишнинг мақбўл даражасига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

- ❖ кўриқланадиган худудлар давлат кадастрини жорий этиш;
- ❖ ўрмон хўжалигига мевали, манзарали дараҳт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ❖ худудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиласидаган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллашириш, аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигига молия-кредит, солиқ ва сугурта тизимини такомиллашириш:

- ❖ давлат эҳтиёjlари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллашириш;
- ❖ пахта ва ғалладан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизмини такомиллашириш;
- ❖ қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, наслли чорва моллари, ургулек ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёzlари тизимини янада кенгайтириш;
- ❖ қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёzлари ва молиявий кўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;
- ❖ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий кўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равища амалга ошириш;
- ❖ унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёjlари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириб бориш.

10. Агротехника фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

- ❖ атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллашириш;
- ❖ пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи ургучилигини ташқил қилиш тизимини такомиллашириш;

- ❖ қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;
- ❖ қишлоқ хўжалигида ген мұхандислиги борасида тўпланган жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;
- ❖ экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;
- ❖ хориждан келтирилган наслли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, парранда ва пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Хулоса ва таклифлар

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулкий-таркибий ислоҳотларда биринчи навбатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишга мухим эътибор қаратилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданоқ зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида йирик таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар натижасида 1999-2007 йилларда жами 2102 та истикболсиз ширкат хўжалиги босқичма-босқич тугатилиб, уларнинг негизида 158738 та фермер хўжалиги ташкил этилган эди.

Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2010 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Бу жараёнда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборга олинди:

- фермер хўжаликлири ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда, ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;

- сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш;

- йириклиаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашув борасидаги молиявий имкониятларини кенгайтириш;

- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқdir. Бу борада айниқса қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Ислоҳотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзларжорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинади.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташкари жамғармаларнинг кредит сиёсатида дехқон (юридик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қўйидагиларда кўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдалангани учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган, энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баробари, фермер хўжаликларига эса 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларининг олдиндан 3 фоизли имтиёзли ставка билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Вилоятимиз аграр тармоғини янада ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун қўйидаги таклифларни берамиз:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушкини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;
- қишлоқ хўжалигига илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;
- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробари, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;
- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробардан, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;
- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;
- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмираш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга teng бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., «Ўзбекистон». 2008.– Б.40.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» // Солик тўловчи журнали. 1998. – № 7–8. – Б.12.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалигилари тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрирда) // «Халқ сўзи» газетаси. 2004. – 15 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни // «Халқ сўзи» газетаси. 1998. – 6 июнь.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Солик кодекси». 2007. – 25 декабрь. – Б. 263.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». –Т., «Адолат», –1999.– Б.136 .
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2009.– № 52. – Б.17-54.

- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 марта «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони //Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан», 2003. – Б.7.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалигиларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони //Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан». 2003. – Б.12.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони. 2008. – 28 ноябр.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги №320-сонли Қарори. 2003. – 21 июль.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжалигиларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли Қарори. 2004. – 24 декабрь.
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалигиларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли Қарори //Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан». 2003. – Б.41.
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли Қарори //Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан». 2003. – Б.16.
- 1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалигиларга айлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2006. – 11 ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асари ва маърузалари

- 2.1. Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., «Ўзбекистон», 1995. – Б.273.
- 2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т., «Ўзбекистон», 1998.– Б.211.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999. – Б. 125.
- 2.4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий–иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2009 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2009. 14 февраль.
- 2.5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т., Ўзбекистон, 2009. – Б.56.
- 2.6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т., Ўзбекистон, 2011. – Б.47.
- 2.7. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарадиган йил бўлди. – Т., Халқ сўзи, 2012.
- 2.8. Каримов А.И. Бош мақсадимиз-кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ

3. Монографиялар, китоблар, рисолалар ва илмий мақолалар

- 3.1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик-Т.: Фан, 2005-288 бет.
- 3.2. Абдуғаниев А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент, 2004 й, 304 бет.
- 3.3. Айбенов Х., Раҳмонов М., “Дехқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш” Т.: 57 бет. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 9-10 сони.
- 3.4. Айбенов Х. Мамадалиев А. Айбенова А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодий ислоҳотлар талаб даражасида бўлиши” – Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 4-5-6 сони 18-бет.
- 3.5. Абдуллаев Ё. Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил. 100 савол ва жавоб-Т.: Мехнат, 2001-320 бет.
- 3.6. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб, Мехнат, 1997.
- 3.7. Баратов М. Мулк – моддий манба. // Иқтисод ва ҳисобот № 10, 35-бет.
- 3.8. “Бозор Ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маъruzалар тўплами, Қарши, 2009 йил, 263 бет.
- 3.9. Вахабов А., Иброҳимов А., Ҳакимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: ТМИ, 2003й, -176 бет.
- 3.10. Вахабов А.В ва бошқ. Хорижий инвестициялар. – Т.: Молия, 2010 й, 328 б.
- 3.11. Волкова Н.А. и др. Экономика сельского хозяйства и преработывающих предприятий, М.: “Колос”, 2005 г, 240 с.
- 3.12. Жўраев Ф. “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Истиқлол”, Тошкент 2004 й. Дарслик, 504 б.
- 3.13. Ибрагимов Р. Худудий тадбиркорлик истиқболлари. // Иқтисод ва ҳисобот, № 3, 57 бет.
- 3.14. Ишмуҳаммедов А., Асқарова М. “Ўзбекистон Миллий Иқтисодиёти”, Ўқув қўлланма. Тошкент-2004 й, 154 б.
- 3.15. 3.18. Кудратов F.X. “Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачилигидаги иқтисодий муносабатлар”, Монография, Т.: “Иқтисод-молия”, 2006, 250 бет.
- 3.16. Кудратов F.X. “Ўзбекистонда ғаллачиликни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари”, Т.: “Иқтисодиёт ва таълим”, 2008, №3, 105-108 бет.
- 3.17. Маҳмудов О. “Аҳоли фаровонлиги йўлида”. // Иқтисод ва ҳисобот. № 9, 1996.
- 3.18. Минаков И.А. Экономика сельского хозяйства, М.: “Колос”, 2005 г. 400 с.
- 3.19. Сергеев И.В, Ветеренников И.И. Экономика организаций (предприятий), М.: “Проспект”, 2008 г, 560 с.
- 3.20. Салимов Б., Ҳамдамов Қ., Турсунхўжаев Т., “Жаҳон қишлоқ хўжалиги”, Ўқув қўлланма. Т.: - 2004 й, 206 бет.,
- 3.21. Тўрахўжаев Т. “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш технологияси”. Ўқув қўлланма. Т.: 2004 й, - 153 б.
- 3.22. Умирзоқов У.П. ва бошқалар “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”, Дарслик. Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 й, -268 бет.
- 3.23. Умирзоқов У.П. ва бошқалар “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”, Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 й, - 276 б.
- 3.24. Ҳакимов Р., Отакулов М., Юсупов Э., Юсупов М. “ACM иқтисодиёти” Т.:, 2004 й, 45-51 бет., ўқув қўлланма.
- 3.25. Ҳамдамов Қ. “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш”, Ўқув қўлланма. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. Т.: -2004 й, -206 бет.,
- 3.26. Эргашев Р.Х. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, Дарслик. Т.: “EKSTREMUM PRESS”, 2011 й, - 416 б.
- 3.27. Эргашев Р.Х., Ҳамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т., «Янги аср авлоди». 2012. – Б.331.
- 3.28. Эргашев Р.Х., Шохўжаева З.С., Ҳамраева С.Н. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, 1-2 қисм, Қарши, Услубий қўлланма, 2009, 56 бет.
- 3.29. Эргашев Р.Х., Шохўжаева З.С., Ҳамроева С.Н. “Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти”, 1-2 қисм, Қарши, Услубий қўлланма. 2009, 98 бет.

- 3.30. Московская сельскохозяйственная академия. www.ecfak.timacad.ru
- 3.31. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru
- 3.32. Попов Н.А. «Основы рыночной аграрной экономики и сельского предпринимательства», М.: Тандем, 2005, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
- 3.33. Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2005, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
- 3.34. Коваленко Н.Я., Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>